


# Аёл маҳбуслар: гендерга мўлжалланган мониторинг бўйича қўлланма



Озодликдан маҳрум этиш жойларини  
мониторинг қилиш бўйича қўлланма

**Иккинчи наshr**

Нашр 2015 йилда қайта кўриб чиқилган Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари (Мандела қоидалари) ни ўз ичига олади

## Аёл маҳбуслар: гендерга мўлжалланган мониторинг бўйича қўлланма

Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти ва Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси мазкур ҳужжат тайёрланиши учун Томрис Атабайга (Tomris Atabay) ўз миннатдорчилигини изҳор қилади.

Мазкур ҳужжат “МДХнинг 9 та мамлакатада қийноқларга қарши курашиш бўйича фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва салоҳиятини ривожлантириш” “Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти” лойиҳаси доирасида Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси билан ҳамкорликда ва Европанинг демократия ва инсон ҳуқуқларини ривожлантириш воситасининг молиявий кўмагида тайёрланган.

Буюк Британия ҳукумати молиявий кўмаги туфайли мазкур ҳужжатга 2015 йилда қайта кўриб чиқилган Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари (Мандела қоидалари) ни киритиш мақсадида уни қайта нашр этиш ва янгилаш мумкин бўлди.

Мазкур ҳужжатнинг таржимаси БМТ Демократик фонди кўмагида “Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда ҳуқуқ устуворлигини кучайтириш” лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Ушбу ҳужжатнинг мазмуни бевосита “Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти” нинг масъулияти ҳисобланади ва унга бирор-бир ҳолатда Европа иттифоқи, Буюк Британия ҳукумати ёки БМТ Демократик фонди нуқтаи назари деб қараш мумкин эмас.

Бутун ҳужжат ёки унинг қисмларини чекловсиз кўриш, реферат учун ишлатиш, қайта чиқариш ва таржима қилишга рухсат этилади, лекин сотиш ёки тижорат мақсадида фойдаланиш бундан истисно. Ушбу нашрга қандайдир ўзгаришлар киритиш “Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти” томонидан маъқулланиши лозим. Ҳавола қилинганда “Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти”га ва мазкур материални кўрсатиш мажбурий. Талабномалар қуйидаги электрон манзил бўйича юборилсин: [publications@penalreform.org](mailto:publications@penalreform.org).

Муқовадаги матнинг безатилиши - Джон Бишоп, Япа Кассем ишлаб чиққан дастлабки расм асосида. Таржимон – филология фанлари номзоди, доцент Севар Нурматова.

### Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти (Penal Reform International)

60–62 Commercial Street  
E1 6LT Лондон, Буюк Британия

Тел: +44 (0) 20 7247 6515

Эл.манзил: [publications@penalreform.org](mailto:publications@penalreform.org)  
[www.penalreform.org](http://www.penalreform.org)

### Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси (Association for the Prevention of Torture)

PO Box 137  
CH-1211 Женева 19 Швейцария

Тел: +41 (22) 919 21 70

Эл.манзил [apt@apt.ch](mailto:apt@apt.ch) [www.apt.ch](http://www.apt.ch)

© Penal Reform International 2013

**Иккинчи нашр © Penal Reform International 2015. Илк бор 2013 йилда нашр этилган.**

**“Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти” (PRI) мустақил ноҳукумат ташкилоти ҳисобланади ва бутун дунё бўйича жиноят ишлари бўйича одил судлов соҳасидаги муаммоларга жавобан адолатли, самарали ва мутаносиб чораларни ишлаб чиқади ва тарғиб қилади.**

Биз қамоқда сақлашга муқобил чораларни тарғиб қиламиз. Улар ҳуқуқбузарларни реабилитация қилишга кўмаклашади. Шунингдек, қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилишига, уларга нисбатан адолатли ва инсонпарвар муносабатда бўлишга кўмаклашамиз. Биз қийноқларга йўл қўйилмаслиги ва ўлим жазоси бекор бўлиши тарафдоримиз, шунингдек бизнинг ишларимиз қонунни бузган хотин-қизлар ва болалар билан адолатли ва бир хил муомалада бўлишни таъминлашга қаратилгандир.

Ҳозирги вақтда биз ўз дастурларимизни Яқин Шарқда ва Шимолий Африкада, Африканинг Саҳродан жанубидаги мамлакатларда, Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказда амалга ошироқдамиз, шу жумладан Жанубий Осиёдаги шерикларимиз билан ишлаймиз.

Ҳар ойлик бюллетенимизни олиш учун қуйидаги манзил бўйича рўйхатдан ўтишингизни сўраймиз: [www.penalreform.org/keep-informed](http://www.penalreform.org/keep-informed)

# Мундарижа

<b>Кириш</b> .....	<b>4</b>
<b>Нима учун мониторинг ташкилотлари ушбу масалага эътибор қаратиши лозим?</b> .....	<b>7</b>
<b>Концепция</b> .....	<b>8</b>
1. Гендер масалалар ва гендер омилларнинг ҳисобга олиниши .....	8
2. Хотин-қизларга нисбатан камситиш ва зўравонлик .....	9
<b>Хатар омиллари ва уларни пасайтириш бўйича чоралар</b> .....	<b>11</b>
1. Хатари юқори бўлган муайян мазмун .....	11
a. Ижтимоий мазмун .....	11
b. Ҳуқуқий мазмун .....	11
2. Хатари юқори бўлган муайян вақт .....	12
a. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва тергов ҳибсхоналари .....	12
b. Маҳбусларни ташиш .....	13
3. Хатари юқори бўлган ёки жисмоний ёки руҳий азоб берадиган муайян сиёсатлар ва тартиб-қоидалар .....	14
a. Бир хил бўлмаган кафолатлар ва келганда баҳолаш .....	14
b. Тиббий кўрик хусусияти ва қамрови .....	15
c. Эркак ва аёл маҳбусларнинг ажратмасдан сақланиши .....	16
d. Эркак ходимлар томонидан назорат амалга оширилиши/ ходимларнинг аралаш тўлдирилиши муҳити .....	17
e. Тинтув ўтказиш сиёсати ва амалиёти .....	18
f. Ёлғиз ўзини қамаб қўйиш / жарима ҳибсхонаси .....	19
g. Тинчлантириш воситаларининг лозим даражада қўлланмаслиги ва асоссиз қўлланилиши .....	21
h. Соғлиқни сақлашда гендер, гигиена, жинсий ва репродуктив эҳтиёжларнинг етарли даражада таъминламаганлиги .....	22
i. Оилалар билан алоқа боғлаш учун бир хил бўлмаган имкониятлар берилиши .....	23
j. Қамоқдаги оналардан қарамоғидаги болаларини ажратиш бўйича асоссиз қарорлар .....	24
k. Ҳимоя учун қамаб қўйиш .....	25
4. Юқори даражали хатарга мойил аёлларнинг муайян тоифалари .....	25
a. Қизлар .....	25
b. Одам савдоси жабрдийдалари ва секс индустрияси ходимлари .....	27
c. Руҳий соғлиғини даволаш эҳтиёжлари бўлган аёллар .....	27
d. Аёлларнинг бошқа алоҳида заиф гуруҳлари .....	28
<b>Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун мониторинг ташкилотлари қандай малакага эга бўлиши керак?</b> .....	<b>29</b>
<b>Тавсия этиладиган адабиётлар</b> .....	<b>30</b>

# Кириш

Ушбу ҳужжат озодликдан маҳрум этиш жойларида ташқи баҳолашни амалга оширадиган мониторинг ташкилотлари учун мўлжалланган. Ҳужжатда озодликдан маҳрум этилган ҳамда қийноқлар ва шафқатсиз муомала қилишга учраши мумкин бўлган аёллар дуч келадиган хатарлар, шу жумладан бундай хатарлар даражасини пасайтириш учун қабул қилиниши мумкин бўлган чоралар ҳақида фикр юритилади. Ҳужжатда асосий эътибор жиноий одил судлов тизимида аёл маҳбусларнинг ҳолатига эътибор қаратилади. Аммо фикр-мулоҳазаларнинг хусусиятига қарамадан мазкур вазиятлар турли мазмунда озодликдан маҳрум этилган аёлларга нисбатан кўп ҳолларда ва тенг даражада бир хил қўлланади, масалан, психиатрик муассасалар ва муҳожирлар учун сақлаш марказлари.

Ҳужжатда эътибор фақат аёллар билан боғлиқ муаммоларга қаратилади. Бу ерда гендер тусдаги бузилишларга дуч келиши мумкин бўлган эркаклар олдидаги хатарлар, айниқса ўз жинсий йўналиши ёки гендер ўхшашлик сабабли ижтимоий мақбул гендер ролларга тегишли бўлмаганлар кўрилмайди<sup>1</sup>. Озодликдан маҳрум этилган лесбиян, гей, бисексуал ва трансгендерлар (ЛГБТИ-маҳбуслар) дуч келадиган муайян хатарларни таҳлил қилиш мазкур ҳужжатда амалга оширилмайди. Чунки мазкур мавзу алоҳида кўриб чиқилиши шарт, деган фикр мавжуд. Ҳужжатда хусусий маиший шароитда ва жамиятда аёллар дуч келадиган хатарлар ҳам кўриб чиқилмайди. Гарчи бу алоқалар кенгроқ мазмун (жамият) ва озодликдан маҳрум этиш жойлари ўртасида ушбу тушунчалар ўзаро боғлиқлиги мураккаб эканлиги сабабли етарли даражада кузатилади. Шу тариқа биз эътибор қаратилиши лозим бўлган муаммоларнинг яхлит тушунилишини ишлаб чиқишимиз мумкин.

БМТ аёл маҳбуслар билан муомалада бўлиш бўйича қоидалар ва ҳуқуқбузар аёллар учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ

бўлмаган чоралар (Бангкок қоидалари) қабул қилингани<sup>2</sup> жиноий одил судлов тизимида аёлларнинг алоҳида гендер эҳтиёжларни эътироф этиш ҳамда аёлларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлиш ва қийноқларни қўллаш хатарларига таъсир чоралари кўриш кафолатларини тақдим қилиш борасида муҳим қадам сифатида намоён бўлмоқда. Бангкок қоидалари мониторинг органлари учун қамоқдаги аёлларга нисбатан ўз вазифаларини амалга ошириш учун мониторинг органларига асосий мўлжал ҳисобланади<sup>3</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Бангкок қоидалари келишилган ва жиноий одил судлов мазмунида қабул қилинган. Унинг номи бундан дарак беради. Шу билан бирга Бангкок қоидаларининг 14-банди «Кириш»да қуйидагилар баён қилинган: «Мазкур қоидаларнинг муассасалар умумий бошқарувига тааллуқли I бўлими жиноят ёки фуқаролик иши бўйича қамаб қўйилганидан ҳамда фақат тергов остида ёки маҳкум этилганидан, шу жумладан судья томониан тайинланган «хавфсизлик чоралари» ёки ижроия чоралари объекти бўлишидан қатъи назар, озодликдан маҳрум этилган барча тоифлардаги аёлларга нисбатан қўлланилади». Бундан ташқари, Қоидаларнинг қабул қилингани маҳбус аёлларга нисбатан гендер омилларни кенгроқ ҳисобга олиш учун ахборот асосини таъминлаш имконини берди<sup>4</sup>. Масалан, в ҚОКБнинг бошпана сўраганларни ўшлаб туришга тегишли қўлланиладиган мезон ва стандартларга нисбатан раҳбарлик тамойилларда Бангкок қоидаларига ҳавола қилинган<sup>5</sup>.

Бангкок қоидалари қўлланилганда мониторинг ташкилотлари ўз ишларида мўлжал сифатида бошқалар қаторида аёллар қамоқхоналарда дуч келадиган хатарлар кўпинча кенг маънода жамиятда тушуниш йўқлиги, тахминларга асосланган муносабат ва камситувчи амалиёт акс этишини ҳисобга олишлари лозим. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судлов соҳасида хотин-қизларга

<sup>1</sup>Қаранг Замечание общего порядка № 2 Комитета ООН против пыток CAT/C/GC/2, 24 января 2008г., п.22.

<sup>2</sup>БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган A/RES/65/229.

<sup>3</sup>Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитаси (ҚКҚ) ўзининг қатор мамлакат маърузаларида Бангкок қоидаларини кўрсатиб ўтган ва тегишли давлатларга қамоқхоналарида ҳимоя қилиш чоралари ва сақлаш шароитлари Бангкок қоидаларига мос бўлишини тавсия қилган. Қаранг, масалан ҚКҚнинг Шри-Ланка бўйича маърузаси, 2011 йил 8 декабрь. CAT/C/LKA/CO, 14-б.; CAT Болоруссия бўйича маъруза, 2011 йил 7 декабрь, CAT/C/BLR/C/O/4, 20-б.

<sup>4</sup>Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Бангкок қоидаларида ЛГБТИ-маҳбуслар дуч келадиган муайян хатарлар ҳисобга олинмайди. Қаранг PRI/ APT, ЛГБТИ, лишённые свободы: рамки для превентивного мониторинга (LGBTI persons deprived of their liberty: a framework for preventive monitoring), Второе издание, 2015 г.

<sup>5</sup>UNHCR, «Руководстве УВКБ ООН по применяемым критериям и стандартам в отношении задержания и содержания под стражей беженцев и лиц, ищущих убежище», 2012г. Руководство 9.3, стр. 37. <http://www.unhcr.org/505b10ee9.html>

нисбатан зўравонликни бартараф этиш бўйича янгиланган намунавий стратегиялар ва амалий чоралар преамбуласида таъкидланганидек, «хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ижтимоий қадриятлар, маданият ва амалиёт хусусиятлари билан изоҳланади ва қўллаб-қувватланади. Жиноий одил судлов тизими ва қонун чиқарувчилар ҳам бундай қадриятлар таъсирига учрайди ва шу тариқа хотин-қизларга нисбатан зўравонликка бошқа шакллардаги зўравонлик сингари ҳамма вақтда ҳам жиддий қарамайди ...<sup>6</sup>».

Шундай қилиб, озодликдан маҳрум этиш жойларида шафқатсиз муомала қилиш ва қийноқларга солиш юқори хатарига дучор бўлаётган аёллар фақат ёпиқ муассасаларга урғу берган ҳолда ҳал қилинмайдиган муаммо сифатида намоён бўлади. Кўпинча аёлларнинг қамоқдаги заифлигининг асл сабабларини қамоқхона дунёсининг ташқарисида ҳам кўриш мумкин, аммо бундай заифлик даражаси озодликдан маҳрум этиш жойларида анча юқори бўлади.

Аёлларнинг қийноқлар ва шафқатсиз муомалада бўлиш, айниқса гендер зўравонлик олдидаги заифлигига қўшимча равишда шуни ҳисобга олиш керакки, аёлларнинг гендер эҳтиёжлар мавжудки, улар озодликдан маҳрум этиш жойларида онда-сонда қондирилади (масалан, тиббий хизмат кўрсатишдаги алоҳида эҳтиёжлари), ушлаб турилгани ҳолатининг ўзи буни мураккаблаштиради (масалан, агар у аёлларнинг қамоқда сақланиши билан боғлиқ ёрлик сабаблигина қамоққа тушиб қолган бўлса, оилалар аёллардан воз кечиши мумкин). Аёл маҳбусларнинг болалари шу маънода қўшимча ўрганишни талаб этадиган яна бир муаммо. Аёллар, қоида тариқасида, болаларнинг асосий васийлари ҳисобланишини инobatга олсак, ўзларининг ушлаб турилган онасидан жудо бўлган қарамоғидаги болаларига ёки қамоқхонада ўз онаси билан сақланадиган болаларга жиддий зарар етказиши мумкин. Шу муносабат билан бола ва болаларнинг энг яхши манфаатларини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда чоралар қабул қилиш ҳамда ҳомиладор аёллар ва қаромоғидаги болалари бўлган аёллар ҳолатларида Бангкок қоидаларига мувофиқ

ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш муқобил чораларини афзал кўриш зарурлиги кенг эътироф этилган<sup>7</sup>.

Айрим ҳолатларда аёлларнинг гендер хусусияти ва алоҳида эҳтиёжлари эътиборга олинмаслиги шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлиш сифатида баҳоланиши мумкин. Қийноқлар ва муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларининг олдини олиш кичик қўмитаси шу муносабат билан қуйидагиларни таъкидлади: «Превентив ишларнинг кўлами улкан ҳамда озодликдан маҳрум этилган ва эътиборсиз қолдирилган шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқлари бузилиши қийноқлар ва муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларига айланиши мумкин»<sup>8</sup>. Кичик қўмита бундай кенг ёндашув Миллий превентив механизмлар (МПМ) ишларида ҳам ўз аксини топиши лозимлигини тавсия қилади<sup>9</sup>.

Ўз мандатига биноан МПМ озодликдан маҳрум этилган фуқаролар билан муомалада бўлиш масалаларида уларга қийноқлар ва муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларидан ҳимоя қилишга кўмаклашиш мақсадида ишлар ҳолатини мунтазам равишда кўриб чиқиши керак. МПМ тегишли ҳокимият идораларига озодликдан маҳрум этилган шахслар билан муомалада бўлиш ва уларнинг сақланиши шароитларини яхшилаш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли нормаларини ҳисобга олган ҳолда қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлиш ва жазолаш турларининг олдини олиш бўйича тавсиялар тақдим қилиш, шу жумладан шу маънода амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (НХХ) ёки улар лойиҳалари юзасидан таклиф ва эътирозлар киритиши мумкин<sup>10</sup>. Таъкидлаш муҳимки, қамоқда сақлаш жойларига ташриф буюриш МПМга биринчи қўлда ахборот олиш имконини беради, аммо бу комплекс превентив стратегия доирасидаги илк қадамлардир. Барқарор яхшиланишга салмоқли ҳисса қўшиш учун, назаримизда, МПМ муаммолар негизида

<sup>6</sup>A/RES/65/228, Илова, 3-илова.

<sup>7</sup>Қаранг, масалан. Африканский комитет экспертов по правам и благосостоянию ребенка, Замечание общего порядка № 1 (по статье 30 Африканской хартии прав и благосостояния ребенка) «Дети лиц, содержащихся под стражей и заключенных в тюрьму родителей и опекунов», 2013г.

<sup>8</sup>ҚҚҚ, Биринчи йиллик маъруза (2007 йил февралдан 2008 йил мартгача), CAT/C/40/2, 2008 йил 14 май, 12-б.

<sup>9</sup>Факультативный протокол к Руководству ООН по применению Конвенции против пыток, пересмотренное издание, Межамериканский институт по правам человека (МИПЧ), Ассоциация по предупреждению пыток (АПТ), (2010) стр. 28 [http://www.apt.ch/content/files\\_res/opcat-manual-english-revised2010.pdf](http://www.apt.ch/content/files_res/opcat-manual-english-revised2010.pdf)

<sup>10</sup>Факультативный протокол к Конвенции против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания (ОПКАТ), Ст.19.

---

эҳтимоли бўлган сабабларни ўрганиш учун қамоқда сақлаш жойларида аниқланган ҳолатлардан ташқарига чиқиши лозим<sup>11</sup>.

Мазкур ҳужжатнинг мақсади мониторинг ташкилотларига, айниқса МПМга ўз фаолиятини амалга оширишда гендер омилларни самарали ҳисобга олишга, қийноққа солиш ёки шафқатсиз муомалада бўлиш муайян хатарларини ҳамда бундай хатарлар ошишига олиб келадиган муайян ҳолатларни, шу жумладан барча қамоқда

сақлаш жойларида аёлларни қийноққа солиш ва улар билан шафқатсиз муомала қилишнинг олдини олиш учун қандай чоралар қабул қилиниши зарурлигини аниқлашга кўмаклашишдан иборатдир. Мониторинг ташкилотларига ўз фаолиятида қамоқда сақланаётган аёллар билан боғлиқ вазиятларни мониторинг қилишда ва мавзуга доир ҳисоботлар ёки таҳлилий материаллар тайёрлашда гендер муаммоларни ҳисобга олиш учун ушбу ҳужжатдан фойдаланиш тавсия этилади.

---

<sup>11</sup>Руководство по осуществлению Факультативного протокола (OPCAT Implementation Manual), Пересмотренное издание, op. cit. стр.234.



# Нима учун мониторинг ташкилотлари ушбу масалага эътибор қаратиши лозим?

Бугунги кунга қадар қамоқда сақлаш жойларида шафқатсиз муомалада бўлиш ва қийноқларга солиш муайян хатарларига етарли даражада эътибор қаратилмаган. Аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини камайтириш бўйича хатти-ҳаракатлар, қоида тариқасида, хусусий маиший шароитларда ёки жамоаларда амалга оширилган, бунда қамоқда аёллар дуч келадиган гендер зўравонлик масалаларига камроқ эътибор қаратилган. Гарчи қамоқхоналарда қийноқларни ва шафқатсиз муомалада бўлишни қўллаш масалалари умуман жиддий ташвиш предмети бўлган бўлса ҳам, ушбу мавзунинг гендер йўналиши фаол муҳокама қилинмаган ёки очиб берилмаган.

Қийноқларга қарши қўмита ўзининг 2-сонли Умумий тартибдаги эътирозларида мамлакатларнинг Хотин-қизларга нисбатан конвенцияни амалга ошириш бўйича чоралар тўғрисидаги маърузаларида ахборот етарли эмаслигига эътибор қаратиб, гендер масалалар қийноқлар олдини олишнинг асосий омили ҳисобланишини таъкидлади<sup>12</sup>. Қийноқларга қарши кичик қўмита ўзининг 2015 йил учун саккизинчи йиллик маърузасида таъкидлаганидек, «гендер жиҳатлар лозим даражада муҳокама этилмайди, озодликдан маҳрум этиш жойларида аёллар дуч келадиган шафқатсиз муомалада бўлиш ва қийноқларни қўллаш муайян хатарларига эса чекланган эътибор қаратилади». Кичик қўмита томонидан аниқланган айрим ҳолатлар қуйидагилардан иборат: қийноқлар тарзида, шу жумладан транссексуалларга нисбатан жинсий зўравонлик қўллаш; уларнинг тиббий хизматларга, шу жумладан жинсий ва репродуктив саломатликка доир ҳуқуқларига лозим даражада эътибор йўқлиги; ҳомиладор аёллар ва улар билан бирга яшайдиган болаларининг оғир аҳволи; эркак ва аёлларни ажратган ҳолда сақлаш қоидаларига риоя

этимаслик; аёллар ҳисобидан қамоқхона ходимларининг етимаслиги; инвазив тартиб-таомилларнинг амалиёти, шунингдек тананинг сирли қисмлари тинтуви, шунингдек омма олдида яланғочлантириш каби амалиётдан фойдаланиш; ишлаш, таълим олиш ва бўш вақтни ўтказиш турли шаклларида фойдаланишда камситиш; жазо шакли сифатида қариндошлар билан алоқа боғлашга, шу жумладан яқин оила аъзоларининг ташрифлари ва ўз болалари билан алоқада бўлишга доир чекловлар белгилаш<sup>13</sup>.

Мониторинг органлари ушбу бўшлиқни тўлдиришга ҳамда ўз ҳукуматларини шундай вазифани бажаришини рағбатлантиришга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. Улар аёлларни қамоқда сақлаш жойларида хатар омилларини, агар ҳокимият идоралари томонидан қўлланиладиган аёлларни ҳимоя қилиш кафолатларини баҳолаш йўли билан ҳамда Бангкок қоидаларига мувофиқ ўз ҳукуматларига ҳамда тегишли асосий идораларга тавсиялар бериш йўли билан бунга эришишлари ва шу тариқа аёлларнинг шафқатсиз муомалада бўлиш ва қийноқларга солишдан ҳимоясини яхшилаши мумкин.

Аёллар дуч келадиган хатарларни таҳлил қилишда ва ўз превентив ишини яхлит англаш доирасида мониторинг ташкилотлари қамоқда сақлаш жойларида муаммоларнинг туб сабабларини аниқлаш мақсадида аниқланган ҳолатлардан ташқари вазиятларни ҳам кўриб чиқиши мумкин. Ёпиқ муассасаларга ташриф буюрганда аниқланган муаммолар ташвиш омиллар таъсири натижаси бўлиши мумкин ва шу муносабат билан мониторинг ташкилотлари жиноий одил судлов соҳасидаги қонунчилик асослари, сиёсат ва амалиётни ҳам таҳлил қилишлари зарур<sup>14</sup>. Мазкур ҳужжатда бундай ёндашувнинг айрим мисоллари келтирилган.

<sup>12</sup>CAT/C/GC/2, 24 января 2008г., п. 22.

<sup>13</sup>Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитасининг саккизинчи йиллик маърузаси, 2015 йил 26 март, CAT/C/54/2, 63-б.

<sup>14</sup>Руководство по осуществлению Факультативного протокола к Конвенции ООН против пыток, Пересмотренное издание op. cit. стр.235.

# КОНЦЕПЦИЯ

## 1. Гендер масалалар ва гендер омилларнинг ҳисобга олиниши

Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти таърифига кўра, «гендер» атамаси жамият томонидан эркаклар ва хотин-қизларга берилган ўзига хос ўрин, муносабат, шахс белгилари, йўналишлар, хулқ-атвор услуби ва ҳаётӣ қадриятларни белгилайди<sup>15</sup>. Айни вақтда инсоннинг эркак ёки аёл сифатидаги «жинсий мансублиги» биологик фарқлари, ҳар қандай маданиятга хос тушунчалар билан белгиланади, жамиятда «эркак» ёки «аёл» сифатидаги индивидуумнинг социумдаги гендер роли нуқтаи назаридан «жинсий мансублик»нинг қабул қилиниши ва аҳамияти турли маданиятларда мутлақо ҳар хил бўлиши мумкин<sup>16</sup>. Социологик тушунчаларда «гендер роли» турли маданиятлар инсон жинсий мансублигига нисбатан қўллайдиган тасниф ва хулқ-атворга тааллуқли бўлади<sup>17</sup>.

Гендер тенгсизлик турли даражада ҳар бир жамиятда мавжуд ва хотин-қизлар ҳаётнинг кўплаб соҳаларида эркакларга қараганда камроқ таъсир кўрсатади. Бундай тенгсиз ҳуқуқлар баланси бошқа омиллар туфайли айрим жамиятларда янада кучайиб боради. Масалан, маданий ва диний меъёрлар доирасида аёлларнинг мақоми пастроқ бўлади. Бундай таъсир номутаносиблиги ва ижтимоий-маданий муносабатлар ёки қарашлар кўпинча ёпиқ муҳитда кучайиб боради ва бу муҳит ташқи дунё кўзгуси сифатида янада ёрқин ифода этилади.

БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши «БМТ тизимининг барча стратегиялари ва дастурларида гендер муаммолари мажмуаси ҳисобга олинишига розилик берганидан сўнг» «гендер омилларнинг ҳисобга олиниши» тушунчаси БМТ тил сиёсатида 1997 йилдан эътиборан ишлатила бошланди. Кенгаш гендер муаммолари мажмуаси ҳисобга олинишини қуйидаги тарзда белгилайди: «Гендер тенгсизлигини камайтириш мақсадида гендер муаммолари мажмуасининг сиёсат, дастурлар ва лойиҳаларнинг таҳлили,

шаклланиши ва мониторинги жараёнларига интеграциялашади<sup>18</sup>».

Гендер омилларни ҳисобга олиш концепцияси озодликдан маҳрум этиш жойларида сиёсат ва дастурларга нисбатан асосий аҳамиятга эга. Ёпиқ муҳит шароитида ҳокимиятнинг жамиятдаги қарашлари ва тузилиши уларда жиддий тарзда акс эттирилганда аёлларнинг умидсизлиги ва ожизлиги ҳисси кучайиб боради. Айни вақтда, тасаввур қилиб бўлмайди, лекин аёлларнинг гендер эҳтиёжлари умуман жамиятдагидан кўра камдан-кам ҳолларда эътироф этилади. Чунки озодликдан маҳрум этиш жойлари – бу эркаклар устувор бўлган, гендер эҳтиёжлар паст даражада эътироф этилган ва англаган жойдир, бола туғилиши ва ҳомиладорлик билан боғлиқ эҳтиёжлар бундан мустасно.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида гендер омиллар ҳисобга олинишига долзарб аҳамият бериш узоқ муддатли жараён ҳисобланади. Бунга ушбу жойларда нафақат муносабат, сиёсат ва амалиёт ўзгариши тааллуқли, балки узоқ муддатли ўзгаришларга эришиш учун кенг жамоатчилик орасида ўзгаришлар зарур. Шу билан бирга, муайян қонунлар, қоидалар, сиёсат, тартибот ва амалиётнинг ўзгариши ҳам аёлларни қийноқлар ва шафқатсиз муомалада бўлишдан ҳимоя қилиш масалаларига салмоқли ва тез таъсир кўрсатиши мумкин. Барча ҳолатларда ходимларни қийноқлар ва шафқатсиз муомалада бўлишни тақиқлаш масалалари бўйича тайёрлаш, шикоятларни мустақил тергов қилиш ва шафқатсиз муомала қилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда айбдорларни жавобгарликка тортиш қамоқхоналарда барча шахсларни, шу жумладан аёлларни қийноқлар ва шафқатсиз муомалада бўлишдан ҳимоя қилиш учун асосий аҳамият касб этади. Шунинг учун мониторинг ташкилотлари Бангкок қоидалари асосида камчиликларни аниқлаш ва тасвиялар ишлаб чиқиш учун мўлжал сифатида аёллар сақланаётган ёпиқ муассасалар ходимларининг касбий тайёргарлигини ташкил қилиш имконини ўрганиши лозим<sup>19</sup>.

<sup>15</sup>Қапанг <http://www.who.int/gender-equity-rights/understanding/gender-definition/en/>

<sup>16</sup>Ann-Maree Nobelius (23 June 2004). 'What is the difference between sex and gender?'. Monash University. <http://www.med.monash.edu.au/gendermed/sexandgender.html>. <accessed 24 November 2015>.

<sup>17</sup>'What is the difference between sex and gender?' Monash University, op.cit.

<sup>18</sup>Е/1997/66, 12 июня 1997г.

<sup>19</sup>Бангкок қоидалари, 29 – 35-қоидалар.



## 2. Хотин-қизларга нисбатан камситиш ва зўравонлик

«Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенция (CEDAW)нинг 1-моддасида «хотин-қизларнинг камситилиши» тушунчаси «хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ёки ҳар қандай бошқа соҳада инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини оилавий аҳволдан қатъи назар, эркак билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида сусайтиришга ёки йўққа чиқаришга, тан олишга, фойдаланишга ёки амалга оширишга қаратилган жинсий белгисига кўра ҳар қандай фарқлаш, истисно этиш, ёки чеклашни англатади».

Камситишнинг аёллар дуч келадиган энг сўнгги шакли – бу гендер зўравонлик, яъни аёлларга нисбатан у аёл бўлгани учун содир этиладиган зўравонлик ёки аёлларга номутаносиб таъсир кўрсатадиган зўравонликдир.

Бу ерга жисмоний, руҳий ёки жинсий хусусиятдаги зарар ёки азоблар, бундай ҳаракатлар таҳдиди, мажбурлов ёки эркинликни камситадиган бошқа шакллари киради<sup>20</sup>. Гендер зўравонлик унинг ҳолатлари ва хусусиятига қараб шафқатсиз муомалада бўлиш ва қийноқларга солишга тенглаштирилади. Гендер зўравонлигининг жиддий шаклларида бири – бу номусга тегишири.

Аёлларни озодликдан маҳрум этиш жойларида ўз айбига иқрор бўлиш кўрсатувларини беришга мажбурлаш, камситиш, инсонсизлаштириш усули сифатида ёки шунчаки мутлақо ожиз ҳолатидан фойдаланиш имконияти сифатида улар номусга тегишга дучор бўлиши мумкин. Ўрнига қандайдир ашёлар ва имтиёзлардан фойдалана олиш ёки ўзининг асосий инсон ҳуқуқларини амалга ошириш эвазига аёл маҳбусларни жинсий хизмат кўрсатишга мажбурлаб, номусга тегиш жинсий хизматлар шаклида ҳам юз бериши мумкин. Бундан ташқари, аёлларга нисбатан эркак маҳбуслар томонидан баъзан қамоқхона соқчилари иштирокида жинсий таҳқирлаш

ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин.

Кенг эътироф этилганидек, шу жумладан қийноқлар тўғрисидаги ва минтақавий суд амалиётлари доирасида Махсус маърузачилар номусга тегиш мансабдор шахслар ёки уларнинг ифвогарлиги ёки розилиги ёки бебапволиги билан содир этилса, у қийноқ ҳолати ҳисобланади<sup>21</sup>. Собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноий трибунал ҳам номусга тегиш ва жинсий зўравонлигининг бошқа шаклларида муайян мезонларга риоя қилган ҳолда қийноқлар сифатида таснифлайди<sup>22</sup>.

Номусга тегишдан жабрланган аёл нафақат олган жароҳатини енгиши ҳамда соғлиғи учун оқибатларга қарши ва номусга тегиш сабабли эҳтимоли бўлган ҳомиладорлик билан курашиши, балки содир этилган ҳатти-ҳаракат билан боғлиқ уят ҳиссини ва бунга қўшимча тарзида кўп жамиятларда, айниқса, маданий, анъанавий ёки диний меъёрлар туфайли кенг тарқалган хотин-қизларга нисбатан камситиш, номусига теккан аёллар учрайдиган таъна қилишларни ҳам бартараф қилиши керак. Қамоқхоналарда номусига теккан кўп аёллар юқоридаги ва бошқа сабабларга кўра, масалан, ҳокимият идоралари қасос олишидан қўрқиб лозим даражада таъсир чоралари қабул қилмаслиги сабабли юз берган воқеа ҳақида хабар бермасликни афзал кўради.

Қамоқда аёлларга нисбатан зўравонлик нафақат номусга тегиш шаклида, балки турли қилмишларда ҳам намоён бўлади. Бунга номусга тегиш таҳдидлари, жинсий тусда аёл баданига қўл тегизиш, уни ҳақоратлаш ёки ҳўрлаш, шу жумладан туғруқларда ва «бокиралик»ни текширишда тинчлантиришнинг механик воситаларидан фойдаланиш киради. Бошқа амалиётлар қўллаш усули, сабаблари ва такрорланишига қараб, бу шафқатсиз муомала қилишга тенглаштирилиши мумкин. Кўрсатилган амалиётлар IV бўлимда батафсил кўриб чиқилади.

Бошқа кўп сабабаларга кўра, ҳам гендер мансублигига биноан, дунёнинг барча қамоқхона тизимларида, қоида тариқасида, аёллар қамоқда озчиликни, дунёнинг аксарият

<sup>20</sup>КЛДЖ, Общая рекомендация No. 19, п. 6.

<sup>21</sup>A/HRC/7/3, 15 января 2008, п.34. Қаранг Prosecutor v. Zdravko Mucic aka 'Pavo', Hazim Delic, Esad Landzo aka 'Zenga', Zejnil Delalic (Trial Judgement), IT-96-21-T, Собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноий трибунал, 1998 йил 16 ноябрь, 480 – 493-б., номусга тегиш ҳолатларини қийноқ сифатида кўриб чиқиш қисмида батафсил асослар, шунингдек номусга тегишга шундай қарайдиган халқаро ва минтақавий органлар қуйидаги ҳаволада: <http://www.refworld.org/docid/41482bde4.html> <accessed 24 November 2015>.

<sup>22</sup>Prosecutor v. Zdravko Mucic aka 'Pavo', Hazim Delic, Esad Landzo aka 'Zenga', Zejnil Delalic (Trial Judgement), IT-96-21-T, Собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноий трибунал, 1998 йил 16 ноябрь, 496-б. Таъкидлаш муҳимки, номусга тегишга доир халқаро қабул қилинган таъриф жинсий орган орқали номусга тегиш ҳаракати билан чекланмайди. Қаранг ibid, 478-б.: <http://www.unhcr.org/refworld/docid/41482bde4.html> <accessed 1 October 2012>; Халқаро жиноий трибуналларда қонун бўйича номусга тегиш сифатида таснифланиши мумкин бўлган жинсий зўравонлик жиноятлари ашёлар ёки тажовузкор танасининг ҳар қандай қисмидан фойдаланиб оғиз орқали жинсий алоқани ва қин ёки анал ичига киришни англатади. Қаранг. A/HRC/7/3, 2008 йил 15 январь, 35-б.

мамлакатларида қамоқхона аҳли умумий сонининг тахминан 2% - 9% ни ташкил қилиши муносабати билан камситишга дучор бўлади<sup>23</sup>. Шундай қилиб, аёлларнинг алоҳида эҳтиёжлари сиёсати шаклланишида ва дасурлар ишлаб чиқилганида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш алоҳида талабларини инкор қилган ҳолда ҳисобга олинмайди. Гарчи фақат аёлларга мўлжалланган колонияларда уларнинг эҳтиёжларига қандайдир эътибор қаратилади. Шу билан бирга, қамоқхоналарда аёлларнинг гендер эҳтиёжларини қондиришга қаратилган стратегия, сиёсат, дастурлар ва бюджет таъминотини ишлаб чиқиш қисмида Марказий девонлар даражасида лозим даражада эътибор берилмаётганлиги сабабли гендер эҳтиёжлари қамоқхоналарда етарли даражада ўз аксини топмайди. Бундан ташқари, фақат аёллар сақланадиган қамоқхоналар одатда аёл маҳбуслар сони унча кўп бўлмаганлиги сабабли уйларида узоқда жойлашган. Шунинг учун аёлларнинг асосий эҳтиёжларидан бири – оила ришталарини сақлаб туриш – жиддий тарзда обрўсизлантирилади.

Махсус гендерга мўлжалланган дастурлар ва аёллар учун хизматлардан фойдалана олиш муносабати билан камситиш, шунингдек оилавий алоқаларни сақлаб туриш имкониятлари чекланиши ҳамма вақтда ҳам шафқатсиз муомала қилиш сифатида кўриб чиқилмайди, аммо муайян ҳолатларда бундай камситиш шафқатсиз муомала қилишга айланиши мумкин. Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш қўмитаси (ХКБК) томонидан 2001 йилда берилган шахсий шикоят доирасида белгилаб қўйганидек, хотин-қизларга нисбатан камситиш шафқатсиз муомала қилишни англашиб, бу аёлларда номутаносиб тарзда, шу жумладан аёлларнинг муайян эҳтиёжлари (яъни Бангкок қоидаларига мувофиқ) ҳисобга олинмайдиган қамоқда сақлаш шароитларида акс этади. Қўмита томонидан кўриб чиқилган ҳолатда бошқа муаммоли шароитлар билан бирга қамоққа олинган аёл ертўлада жойлашган совуқ камерада сақланган. Камералардан бири ушбу қамоқхона муассасасида аёлларни сақлаш учун мўлжалланган, эркак маҳбуслар учун иккинчи камера эса юқорида жойлашган<sup>24</sup>.

<sup>23</sup>УНП ООН, Руководство для администрации учреждений исполнения наказаний и других должностных лиц, 2014, стр.2.

<sup>24</sup>Комитет ООН по ликвидации дискриминации в отношении женщин (КЛДЖ), Сообщение №.23/2009, Инга Абрамова против Беларуси (Inga Abramova v Belarus), 27 сент. 2011, CEDAW/C/49/D/23/2009: [www.unhcr.org/refworld/docid/4fd6f75a2.html](http://www.unhcr.org/refworld/docid/4fd6f75a2.html).

# Хатар омиллари ва уларни пасайтириш бўйича чоралар

Аёллар қамоқда сақлаш жойларида, шунингдек муайян сиёсат, амалиёт ва шароитлар натижасида муайян мазмунда ва муайян вақт даврида юқори даражадаги хатарга дучор бўлади. Бундан ташқари, айрим тоифадаги аёллар жуда заиф ҳисобланади. Аёллар учун алоҳида хатар туғдирадиган айрим асосий омиллар ҳақида фикр қуйида юритилади.

Қайта кўриб чиқилган Маҳбуслар билан муомала қилиш стандарт қоидалари, чунончи 2(2)-қоида<sup>25</sup> қуйидагиларни назарда тутди: «Қамоқхона маъмуриятининг таҳқирлашга йўл қўймаслик тамойилини амалда қўллаш мақсадида маҳбусларнинг, жумладан қамоқда энг заиф маҳбуслар тоифаларининг шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олиш зарур. Ўзига хос эҳтиёжларга эга маҳбусларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш учун чоралар кўриш зарур ва бундай чоралар таҳқирловчи чоралар бўлмаслиги керак».

## 1. Хатари юқори бўлган муайян мазмуна.

### а. Ижтимоий мазмун

Биринчидан, яна бир бор таъкидлаш жоизки, жамиятдаги қадриятлар ва муносабатлар қамоқхонада ўз аксини топади ҳамда муносабатлар инсонлар томонидан яратилган катта дунёнинг «микросмоси» сифатида намоён бўлади, ушбу жамиятнинг қисми ҳисобланади, ўша маданият, қадриятлар ва бидъатларни ифода этади. Қийноқлар масаласи бўйича собиқ Махсус маърузачи таъкидлаганидек, «жамиятнинг аёллар бўйсунадиган мақомига бефарқлиги ёки ҳатто уни қўллаб-қувватлаши, шунингдек камситувчи қонунлар мавжудлиги ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан қамоқхоналарда айбдорларни жавобгарликка тортиш ва жабрдийдаларни ҳимоя қилиш тизимли қобилятсизлиги аёлларга нисбатан жисмоний ва руҳий азобларга учраши хатарини

оширадиган шароитлар яратади<sup>26</sup>».

Айрим мамлакатларда полицияга зўравонлик ҳолатлари тўғрисида хабар берадиган аёллар кўпинча ҳеч қандай ёрдам олмасдан уйга қайтади, чунки жамият, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари уйдаги зўравонликка оиланинг ички муаммоси сифатида қарайди. Бу жамиятнинг бундай муносабатининг ёрқин мисоли ҳисобланади. Ҳатто тергов қилиш ташаббуси кўрсатилса ва тергов қилинса ҳам, самарасиз ва адолатсиз тергов қилишнинг механизмлари ҳамда уйдаги зўравонлик шахсий иш деб қарайдиган барқарор негиз туфайли давлатлар кўпинча жабрдийдалар учун одил судлов таъминлашга қодир эмас.

Шундай қараш ва бидъатлар мавжуд бўлган жамиятларда ҳуқуқбузарлар ўз қилмишлари учун жавобгарликдан қочиши мумкин ҳамда бу аёллар янада заиф бўлган озодликдан маҳрум этиш жойларида нормал ҳолат ҳисобланади ва кўпинча минимал ижтимоий назорат ҳам йўқ. Бундай шароитда аёллар кўпроқ шафқатсиз муомала қилиш ва қийноқлар, шу жумладан жинсий бўйича зўравонлик хатарига дуч келади.

### б. Ҳуқуқий мазмун

Қатор, шу жумладан қамоқхонада сақлаш масалаларига бевосита тааллуқли бўлмаган қонунлар аёллар дуч келадиган хатарларга салмоқли таъсир кўрсатади. Ушбу жинойт кодекслари ва жинойт-процессуал кодекслар, уларнинг қоидалари аёлларга нисбатан камситувчи ҳисобланади<sup>27</sup> ёки улар доирасида суд органлари ҳукм чиқарганда ёки суд муҳокамасига қадар чоралар қабул қилишда аёлнинг ўтмиши ва у тушиб қолган ҳолатларни лозим даражада эътиборга ололмайди<sup>28</sup>. Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашиш қонунлари жабрдийдиларнинг етарли ҳимоясини таъминлашга қаратилмаган, баъзан эса жавобгарликка тортиш ва қамоқда сақлаш

<sup>25</sup>Қайта кўриб чиқилган Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари (Мандела қоидалари), БМТ Жинойтчиликнинг олдини олиш ва жинойт ишлари бўйича одил судлов комиссияси томонидан 2015 йил 22 майда қабул қилинган, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан 2015 йил 9 сентябрь куни маъқулланган, UN-Doc. E/RES/2015/20 E/RES/2015/20 ва БМТ Бош Ассамблеяси Учинчи қўмитаси томонидан 2015 йил 5 ноябрь куни қабул қилинган, A/C.3/70/L.3 (мазкур нашр чоп этилганида ушбу Резолюция БМТ БА ялпи мажлисида қабул қилиш арафасида эди).

<sup>26</sup>A/HRC/7/3, 15 января 2008 г., п. 29.

<sup>27</sup>Айрим мамлакатларда диний қонунлар турлича талқин қилиниши, номусга тегиш тушунчаси эса қонунчиликда очиб берилмаслиги ҳолати қонунларнинг аёллар дуч келадиган хатарларга таъсир этиши эҳтимолининг энг ёрқин мисоли ҳисобланади. Номусига тегишган аёллар никоҳсиз жинсий алоқалари учун озодликдан маҳрум этилиши мумкин («зино» «гуноҳ»). Қаранг, масалан УНП ООН, Афғанистан, Женщины-заключенные и их социальная реинтеграция, Атабай, Т., 2007, стр.21.

<sup>28</sup>Қаранг Бангкок қоидалари, 57, 58, 60, 61, 62, 64 ва 65-қоидалар.

жазосини назарда тутмайди. Бу эса такроран жиноят содир этилишига олиб келади. Жазони ижро этиш тизимини тартибга солаётган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар аёлларнинг алоҳида эҳтиёжларини инобатга олмайди; норасмий миграция тўғрисидаги қонунларда аёлларнинг ўзига хос эҳтиёжлари эътиборга олинмайди ва уларга нисбатан хавфсизлик талабларига риоя қилинмайди. Ва ниҳоятда, беморларнинг психиатрик касалхоналарда сақланишига ва ушбу муассасаларни бошқариш усулларига доир қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, эҳтимол, аёлларнинг алоҳида ожизлиги ва эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олмайди.

Фақат қонунларнинг ўзгаришлари аёлларни қийноқлар ва шафқатсиз муомалада бўлишдан ҳимоя қилиш учун етарли эмас. Лекин қонунчилик асосий бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Жамиятда қарашлар, бидъатлар ва камситувчи қонунларнинг ўзгариши ўз-ўзидан узоқ муддатли жараёндир. Ушбу жараён доирасида ўзгаришларни амалга ошириш, қонунчилик ислохотлари ташаббусини илгари суриш, умуман аёллар ва аёл маҳбустлар дуч келадиган камситиш ва зўравонлик ҳолатлари, шунингдек аёллар, улар оилалари ва жамиятга нисбатан узоқ муддатли салбий оқибатлар ҳақида жамоатчиликни хабардорлик қилиш кампаниялари ўтказиш ва тизимли ҳисобдорлик ташкил қилиш учун фуқаролик жамиятининг мувофиқлаштирувчи хатти-ҳаракатлари зарур.

Мониторинг ташкилотлари ўз ишларига яхлит ёндашув доирасида ҳамда ўз салоҳияти ва ресурсларига қараб ушбу турлардаги фаолиятда асосий ўрин тутишлари мумкин. Озодликдан маҳрум этилган аёллардан ва улар шу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу аёлларнинг айримларига таъсир этиши жиҳатидан ахборот тўплаши мумкин бўлган ахборотдан фойдалана олиш уларга ўз давлат органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги тажрибадан келиб чиққан ҳолда аёллар дучор бўладиган хатарларни камайтириш мақсадида миллий қонунчиликни ислох қилишни бошлаш ноёб имконини беради.

## 2. Хатари юқори бўлган муайян вақт

### а. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва тергов ҳибсхоналари

Барча ушлаб турилганлар қамоққа олингандан кейин биринчи соатларда қийноқларга солиш ва шафқатсиз муомалада бўлиш юқори хатарига дучор бўлади. Айнан шу даврда ушлаб турилганлар эҳтимолликнинг юқори даражаси билан айбига иқрор бўлиш ёки улардан жиноят тўғрисида ахборот олиш мақсадида мажбурлов ва босимга дучор бўлиши мумкин. Ушлаб турилгандан кейин бутун давр мобайнида аёллар жинсий шилқимлик ва зўравонликнинг бошқа турлари олдида ожиздир ва бундай ҳолатлар бир неча маротаба Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитаси томонидан ҳужжат билан расмийлаштирилган<sup>29</sup>.

Айрим жамиятларда аёлларнинг жамоат ҳаётидаги роли ва оила аъзоларидан ташқари эркаклар билан муомала қилиш даражаси қонунлар ва йўл-йўриқларга асосан қатъий чеклангани боис бу аёлларга нисбатан камситувчи ҳолат ҳисобланади, шунингдек аёллар эркак ходим томонидан сўроқ/суриштирув ўтказилган тақдирда қаттиқ қўрқув ва ожизлик ҳис қилиши мумкин. Бундай вазиятларда таҳдид амалда бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар жинсий шилқимлик таҳдиди мавжуд бўлиши мумкин. Аёллар, қоида тариқасида, ушбу вақт даврида ушлаб турилган эркакларга қараганда анча ожизроқ бўлади. Дунёнинг турли мамлакатларида жиноий одил судлов тизими билан низолашаётган аёллар кўп ҳолларда эркакларга қараганда унча ўқимишли эмас, иқтисодий мақоми ҳам пастроқ (кўп ҳолларда ўз эрларига тобе) ҳамда ўз қонуний ҳуқуқларидан унча хабардор эмас. Кўплаб вазиятлар дарак берганидек, ўқимишли бўлмаган ва ночор аёллар ўз кўрсатувларини, уларнинг мазмунидан ҳеч қандай тушунчаларга эга бўлмаган ва айнан полиция участкасида бўлиб, шилқимликлар ва мажбурловга дучор бўлганда ёки зўравонликка дучор бўлишдан қўрқиб шунчаки имзолаган.

<sup>29</sup>Қаранг, масалан БМТ Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитасининг Гондурасга ташриф натижалари бўйича маърузаси, 2010 йил 10 февраль. CAT/OP/HND/1, 2010 йил 10 февраль, 55-б.; БМТ Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитасининг Бразилияга ташрифи тўғрисида маъруза, CAT/OP/BRA/1, 2012 йил 5 июль, 80-б.

Вақтинча сақлаш ҳибсхонасида учрайдиган айнан шу каби хатарлар тергов ҳибсхонасида, айниқса дастлабки судга қадар қамокда сақлаш учун масъул идора ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти учун масъул органдан ажралмаган тизимларда давом этади. Масалан, мазкур идора фуқаролик идораси мақомига ва аъло даражадаги маданиятга эга Адлия вазирлигига эмас, балки ИИБ бўйсунувида бўлиб, хавфсизликни сақлаш ва полиция хизмати масалалари учун жавоб беради.

Қийноқлар қўллаш ва шафқатсиз муомалада бўлиш хатари ёки қўрқув билан бевосита боғлиқ фикрларга қўшимча қилиб таъкидлаш муҳимки, агар гумон қилинувчи аёл қарамоғида болалари бўлса ва хусусан у ягона васий ҳисобланса, тергов ҳибсхонасида ҳатто қисқа вақт даврида сақлаш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Онанинг қамокқонада ҳатто қисқа вақт давомида бўлиши унинг болалари учун ҳалокатли ва узоқ муддатли оқибатларга олиб келиши мумкин, ушбу оқибатлар бундай вақт оралиғида аёлнинг катта ташвишига сабаб бўлади.

Мониторинг ташкилотлари Бангкок қоидалари ва қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидаларини асос қилиб вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ва тергов ҳибсхоналарида сақлаш даврида аёлларни шафқатсиз муомалада бўлиш ва қийноқларга солишдан ҳимоя қилиш қандайдир чоралари ёки барча чоралари ва кафолатлари қабул қилинганини баҳолаши мумкин<sup>30</sup>. Чораларнинг етишмаслиги кузатилган тақдирда ўша кафолатларни яхшилаш юзасидан тавсиялар бериши мумкин: шахс келганда, озод этилганда ёки бошқа муассасага ўтказилганда мустақил тиббиёт ходими томонидан тиббий кўрик ўтказилиши; адвокатдан ўз вақтида фойдалана олиш; оилалар била ўз вақтида алоқа қилиш; ушлаб турилганлар устидан айнан аёл ходимлар томонидан эркак маҳбуслардан қатъий равишда ажратилиши; шикоятлар бериш мустақил самарали механизми мавжудлиги ва таркибига аёл вакиллари бўлган мониторинг органлари томонидан дастлабки қамокда сақлаш жойларининг мунтазам равишда мониторинг қилиниши<sup>31</sup>.

Аёлларнинг болалари манфаатлари энг яхши таъминланишини ҳисобга олган ҳолда фақат

аёлларга нисбатан ўта зарур ҳолларда ва Бангкок қоидаларига қатъий мувофиқ ҳолда дастлабки қамокда сақлашдан фойдаланиш аёлларни нафақат қамокхонадаги хатарлардан ҳимоя қилинишини таъминлашга, балки бундай қамокқа олиш билан етказилган зарар даражасини камайтиришга қодир ҳимоянинг муҳим тизимли кафолати ҳисобланади. Чунончи Бангкок қоидаларининг 58-қоидасида айtilганидек, «мақсадга мувофиқ ва имкон қадар аёлларга нисбатан суд жараёни бошлангунга ва суд томонидан ҳукм чиқарилгунга қадар қамокда сақлаш муқобиллари... қўлланилади». Бу мониторинг ташкилотларининг тавсиялари қамокхона фаолиятида тор йўналишларидан ташқарига чиқиши ҳамда қонунчилик доирасини ва суд органлари томонидан дастлабки қамокда сақлаш чораларини қўллашга нисбатан амалиётни қамраб олиши мумкин бўлган мисоллардан биридир.

## б. Маҳбусларни ташиш

Ушлаб турилганлар айнан бир муассасадан бошқасига ўтказилганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан шафқатсиз муомалада бўлиш ва қийноқларга солиш алоҳида хатарига дучор бўлиши мумкин. Чунки, қоида тариқасида, шафқатсиз муомалада бўлишдан ҳимояланиш ва кафолатлар даражаси, агар шундайлари бўлса, жуда минимал ҳисобланган шу вақтда маҳбуслар мутлақо ҳимояланмаган. Аёл маҳбуслар ушбу даврда жинсий таҳқирлаш юқори хатарига, хусусан, эркак маҳбуслар ва аёллар ажратилмаган ва уларни транспортда ташишни эркак ходимлар амалга оширираётган бўлса, дучор бўлади<sup>32</sup>. Масалан, Буюк Британияда инспекция текшируви аниқлаганидек, «автовокзалларда аралаш контингент, яъни эркакларни аёллар ва вояга етмаганлар билан бирга, баъзан эса уювларини бирга транспортда ташишлари мумкин»<sup>33</sup>.

Аммо Хитойда Хитой Олий халқ суди томонидан нашр қилинган маҳбусларни/ ушлаб турилганларни транспортда ташиш қоидалари аёлларни фақат аёл соқчилар назорати остида транспортда ташиш лозимлигини назарда тутди. Бундан ташқари, айбланувчи/ гумон қилинувчи эркак ва аёлларни битта транспорт воситасида ташиш тақиқланади<sup>34</sup>. Шу каби тарзда Ҳиндистонда эркак маҳбуслар

<sup>30</sup>Бангкок қоидалари, 56-қоида, Минимал стандарт қоидалари.

<sup>31</sup>Бангкок қоидалари, 25 (3)-қоида.

<sup>32</sup>Қаранг. масалан Amnesty International, Мексика: Violence against women and justice denied in Mexico State, октябрь 2006, Ref. AMR 41/028/2006.Б. 6-7.

<sup>33</sup>HM Inspectorate of Prisons, UK, Report on an unannounced inspection of HMP & YOI New Hall, 8 – 19 июнь 2015.-Б.11.

<sup>34</sup>Cheng Lei, Lü Xiaogang, and Chen Jianjun, Research Report on the Treatment of Women Detainees in China - Using the Bangkok Rules as the Starting Point of Analysis, 2014, p13.



ва аёл маҳбуслар учун алоҳида атранспорт воситасидан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади, аёл маҳбусларни эса фақат аёл соқчилар ёки полиция ходимлари ҳамроҳлик қилишлари талаб этилади. Гарчи бу қоидалар тергов остидагиларга нисбатан тааллуқлидир<sup>35</sup>.

Аёлларнинг гигиена эҳтиёжларига эътиборсизлик ва бунинг устига муассасалар ўртасида транспортда ташиш аёллар колониялари сони кўплиги ва узоқда жойлашганлиги сабабали вақт бўйича давомийлигига ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала қилиш сифатида қараш мумкин. Масалан, Буюк Британия Инспекция идораси баён қилганки, барча катта ёшдаги маҳбуслар учун, фақат айримларига «қулай танаффус» таклиф этилиб, ҳожатхонадан фойдаланиш имконияти берилган. Бунинг ўрнига маҳбусларга кичик камераларида йўлда автозакда кета туриб фойдаланишлари учун суяқликни шимиб оладиган гелли қопча таклиф этилган». Аралаш ҳолда транспортда ташишда, яъни аёллар ва ўғил болалар катта ёшдаги эркаклар билан олиб борилганда тўхтаганда, олдин эркаклар ҳожатга чиқиб келган, аёллар эса транспорт воситасида узоқ вақт кутишларига тўғри келган<sup>36</sup>.

Чунки халқаро кафолатларда транспортда ташиш тўғрисида камдан-кам айтилган. Қайта кўриб чиқилган минимал стандарт қоидаларининг 73(2)-қоидасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, «маҳбусларни етарли даражада шамоллатилмайдиган ёки ёритилмайдиган ёки бошқа ҳар қандай жисмоний жиҳатдан оғир шароитларда кўчиришни тақиқлаш лозим». Мониторинг ташкилотларига аёлларни транспортда ташишда қийноқлар ва шафқатсиз муомалада бўлишдан чоралар кўрилиши/кўрилмаслигини аниқлаш зарур. Бундай чоралар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: озодликдан маҳрум этилган аёлларнинг кўчириш учун аёл ходимларнинг жавобгарлиги ёки энг камида, аёл ходимларнинг бундай транспортда ташишда ҳозирлигини таъминлаш; транспорт воситалари ичида ҳамроҳлик қилиш/қўриқлаб бориш учун фойдаланиладиган видеокузатув камераларини ўрнатиш, уларни қўллаш устидан қатъий равишда кузатиш билан бирга, ва ниҳоятда мустақил ва фойдалана олинadиган шикоят бериш тартиб-қоидалари.

### 3. Хатари юқори бўлган ёки жисмоний ёки руҳий азоб берадиган муайян сиёсатлар ва тартиб-қоидалар

#### а. Бир хил бўлмаган кафолатлар ва келганда баҳолаш

Ушлаб турилганларнинг қамоққа олинганидан сўнг дарҳол оила аъзолари ва адвокатлари билан ўз вақтида боғланишини таъминлаш қийноқлар ва шафқатсиз муомалада бўлишдан ҳимоялашнинг асосий кафолатларидан бири деб азалдан эътироф этилган. «Барча қамоқда сақланаётган шахслар ўз танловига кўра ўз оиласи ёки бошқа тегишли шахсларни қамоққа олингани ҳақида хабардор қилиш илтимоси билан мурожаати қилиш ҳуқуқига эга»<sup>37</sup>. Жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, аёллар қамоққа олинганидан кейин айниқса ожиз бўлади. Жиноий одил судлов тизими билан низолашаётган аксарият аёллар маълумотга эга эмас ёки саводсиз, ўз ҳуқуқларини билмайдди. Кўп мамлакатларда вақтинча ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаш аёлларга нисбатан алоҳида заифланишга, уларнинг азоблари ортишига олиб келади. Ушлаб турилган аёлларнинг аксарияти оналар, ва уларнинг ўз болалари ва оиласидан айирилиши уларнинг руҳий ҳотиржамлигига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мониторинг ташкилотлари Бангкок қоидаларига мувофиқ ушлаб турилган аёлларни қабул қилиш қоидалари тартиб-таомилларига диққат билан эътибор бериши ҳамда уларга ушбу босқичда қандай ёрдам кўрсатилаётганини баҳолаши лозим: уларнинг қайсиларига қамоқда сақлаш жойи маъмурияти «ўз қариндошлари билан боғланиш учун имконият бериши зарур; юридик маслаҳатдан фойдалана олиш масалалари; мазкур ушлаб туриш жойи қоидалари ва низомлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги, қўлланиладиган тартиб-таомиллар ҳамда агар тушунарли тилга таржима таъминланиши талаб этилса, ёрдам учун қаерга мурожаат қилиш, ва хорижий фуқаролар билан бўлган ҳолларда – консуллик ваколатхонасидан фойдалана олиш»<sup>38</sup>.

Мониторинг ташкилотлари маҳбусларни қабул қилиш индивидуал таснифлаш асосида маҳбусларнинг хатари ва эҳтиёжлари

<sup>35</sup>Bureau of Police Research and Development, Ministry of Home Affairs, Model Prison Manual for the Superintendence and Management of Prisons in India, 2003, paras. 9.21 and 22.61, available at <http://bprd.nic.in/writereaddata/linkimages/1445424768-content%20%20chapters.pdf> <accessed 24 November 2015>.

<sup>36</sup>HM Inspectorate of Prisons, UK, A thematic review by HM Inspectorate of Prisons, Transfers and escorts within the criminal justice system, December 2014, p5.

<sup>37</sup>Принцип 16 Свода принципов защиты всех лиц, подвергаемых задержанию или заключению в какой-бы то ни было форме ва Қайта кўриб чиқилган Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари, 58-қоида.

<sup>38</sup>Бангкок қоидалари, 2-қоида.



баҳоланиши ўтказилиши лозим бўлган вақт ҳисобланишини эътиборга олиши зарур. Қуйидагиларга ҳам эътибор қаратиш лозим: аёлларнинг гендер эҳтиёжларини қамоқда сақлаш даврида таъминлаш ва шу тариқа қамоқда сақлашнинг аёлларнинг руҳий соғлиғига салбий таъсирини камайтириб уларнинг жамиятга қайта интеграциялашувига кўмаклашиб аёллар келганда гендер омилларни ҳисобга олган ҳолда ва Бангкок қоидаларига мувофиқ хатар баҳоланадими<sup>39</sup>.

## **б. Тиббий кўрик хусусияти ва қамрови**

Маҳбуслар келганда тиббий кўрик ўтказиш айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳамда бундай ҳаракатлар содир этилганида зарур кўмак кўрсатиш ва ёрдам бериш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари ва бошқа шахслар томонидан шафқатсиз муомалада бўлиш ва қийноқларни қўллаш ҳолатларини аниқлашга қаратилган сиёсатнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Агар жинсий таҳқирлаш ёки зўравонликнинг бошқа шакллари устидан шикоятлар инкор этилса, озодликдан маҳрум этиш жойларида давлат органлари томонидан зўравонлик аниқланмаслиги хатари ошади. Бу эса қамоқхонадаги бундай зўравонликнинг жабрдийдалари-аёлларнинг ҳимояси заифлиги сабаб бўлади.

Мониторинг ташкилотлари Бангкок қоидалари талаб қилганидек, тиббий кўрик аёл қамоқхонага келгунга қадар дучор бўлиши мумкин бўлган жинсий зўравонлик ва зўравонликнинг бошқа шакллари ҳолатларини ўз ичига олишини аниқлаши зарур<sup>40</sup>. Улар бундай кўрик ўтказиш учун аёл-шифкор ажратилганини, айниқса, агар бу аёл маҳбус бўлса<sup>41</sup>, ва агар аёл маҳбуснинг илтимосига қарамасдан тиббий кўрик эркак шифокор ўтказганда аёл ходим ҳозир бўлганини текшириши керак<sup>42</sup>.

Бангкок қоидаларининг 7-қоидаси агар қамоққа олишга қадар ёки қамоққа олиш вақтида жинсий зўравонлик ёки зўравонликнинг бошқа шакллари бўлганлиги аниқланса, бу қамоқхона маъмурияти учун мажбуриятлар белгилайди<sup>43</sup>. Мониторинг ташкилотлари мазкур қоида талаблари пенитенциар тизимни тартибга соладиган

қонунчиликда акс этганлигини, қамоқхона ходимларини ўқитиш дастурларига киритилганини, шунингдек уларнинг амалий қўлланилишини ўрганиши лозим.

Маҳбуслар келганда тиббий кўрик ўтказиш қамоқда сақлаш даврида аёллар жисмоний ва руҳий соғлиғининг ҳимоясини таъминлаш ва унинг мустақкамланишига кўмаклашиш мақсадида индивидуал хусусиятлар асосида тиббий-санитария ёрдамида гендер эҳтиёжларни баҳолаш ва соғлиқни сақлаш дастурларини ишлаб чиқиш учун ўта муҳим жиҳат ҳисобланади. Шу боисдан мониторинг ташкилотлари маҳбуслар келганда тиббий кўрикка доир сиёсат ва амалиётни, хусусан Бангкок қоидаларига мувофиқ тиббий-санитария ёрдамида аёлларнинг гендер эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда натижаларига кўра зарурат бўлганда бундай баҳолаш миқёсини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш учун тавсиялар ишлаб чиқиш борасида таҳлил қилишлари муҳим<sup>44</sup>.

Қамоқхонага келганда жинсий ва репродуктив саломатлик соҳасида жинсий зўравонликнинг ҳар қандай белгиларини ёки эҳтиёжларни аниқлаш учун тиббий кўриклар ўтказиш ҳеч бир ҳолатда айрим мамлакатларда бошқа мақсадларда ўтказиладиган «бокиралик»ни текшириш билан адаштирмаслик керак. «Бокиралик»ни текшириш хотин-қизларга нисбатан камситишнинг энг қўпол шакли бўлиб, унга қамоқхоналарда аёлларга нисбатан зўравонлик шаклларида бири сифатида қаралади<sup>45</sup>. Уларнинг ўтказилишини тўғридан-тўғри тақиқлаш зарур. Бундай амалиёт бўлиши мумкин жойларда мониторинг гуруҳлари «бокиралик»ни текширишга тааллуқли қонунчилик ва амалиётнинг таҳлилини ўз профилактик тадбирларига киритиши ҳамда қонунчиликда ва бундай текширишлар ўтказиладиган амалиётда уларни тақиқлаш тавсиясини беришлари зарур.

2011 йил декабрида Қоҳирадаги суд ҳарбий қамоқхоналарда аёл маҳбусларнинг бокиралигини мажбурий текширишларни тугатишга қарор қилди. Таҳрир майдонида намоиш вақтида ушланган, норозилик билдирганлардан бири масала мазмуни бўйича даъво бергандан сўнг суд шундай қарорга

<sup>39</sup>Бангкок қоидалари, 40 ва 41-қоидалар.

<sup>40</sup>Бангкок қоидалари, 6 (е)-қоида, қаранг Правило 30 МСП обращения с заключенными.

<sup>41</sup>Бангкок қоидалари, 10 (2)-қоида.

<sup>42</sup>Бангкок қоидалари, 10 (2)-қоида.

<sup>43</sup>Қаранг МТП (PRI), БМТ аёл маҳбуслар билан муомалада бўлиш бўйича қоидалар ва ҳуқуқбузар аёллар учун қамоқхонада сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларни қўллашга кўмаклашиш юзасидан раҳбарлик қўланмаси (Бангкок қоидалари), 2013. –Б. 44.

<sup>44</sup>Бангкок қоидалари, 6-қоида.

<sup>45</sup>Совет по правам человека, Седьмая сессия, доклад Специального докладчика по вопросу о пытках и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видах обращения и наказания, Manfred Nowak, A/HRC/7/3, 15 января 2008, п. 34.

келди. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар мисрлик ҳарбийлар бундай амалиётни жазо сифатида кенг қўллашани баён қилди<sup>46</sup>.

### с. Эркак ва аёл маҳбусларнинг ажратмасдан сақланиши

Қайта кўриб чиқилган Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидаларида аниқ кўрсатиб ўтилганидек, аёлларнинг жинсий таҳқирлаш ва тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида озодликдан маҳрум этилган аёлларни эркак маҳбуслар учун мўлжалланган хоналардан жисмонан ажратилган хоналарда сақлаш лозим<sup>47</sup>. Ёши каттароқ маҳбуслар томонидан жинсий зўравонлик ёки бошқа шаклдаги зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида кичик ёшдаги қизлар-ҳуқуқбузарларни катта ёшдаги қизлардан ажратиб сақлаш зарур<sup>48</sup>.

Айрим мамлакатлар эркак маҳбуслар ва аёл маҳбуслар ўртасида чекланган алоқалар амалиётини, албатта, батафсил танлаб олиш ва қамоқхона ходимларининг қатъий назоратида жорий этишни бошлаган. Бундай амалиёт қамоқхонада сақлаш шароитларини нормал ҳаёт шароитларига яқинлаштиришга, шунингдек маҳбус аёлларга маҳбуслар учун дастурларнинг кенгроқ танлаш имконини беришга кўмаклашади. Бундай чоралар албатта қабул қилинмаслиги лозим, лекин шу билан бирга, тегишли аёл маҳбуслар розилиги билан ва фақат қамоқхона маъмурияти маҳбуслар орасида лозим даражада танлов ўтказишга, зарур назоратни таъминлаб беришга ва уларнинг хавфсизлигини кафолатлашга қодир бўлган тақдирда қабул қилиниши мумкин<sup>49</sup>.

Қуйида Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитасининг мазкур талаб турлича бузилишини, шунингдек қамоқхона ходимлари аёл маҳбусларга нисбатан жинсий зўравонликка кўзини юмиб қарашини ёки ўзлари иштирокчилари бўлганни намоён қилган мамлакатларга ташриф буюриш натижалари бўйича маърузаларидан мисоллар келтирилган:

«БМТ қийноқларнинг олдини олиш қўмитаси таъкидлаганидек, Сан-Педро-Сула шаҳри қамоқхонасида маҳбусларнинг унча катта бўлмаган қисмини ташкил қилувчи аёллар эркаклардан ажратиб сақланмайди. Эркаклар ва аёллар ўртасида енгилтаклик муносабатлари мавжуд ва эркаклар аёлларнинг камераларида бўлади. Кичик қўмита вакиллари олган ва уларнинг ўз кузатувлари тасдиқлаган ахборотдан келиб чиқиб, кичик қўмита ташриф буюрган иккита қамоқхонада озодликдан маҳрум этилган айрим аёллар фоҳишабозлик билан шуғулланаётганлигини тахмин қилишига етарли асослар бор.... Мувофиқлаштирувчининг сўзларига қараганда, аёллар эркак маҳбуслардан алоҳида жойлаштиришни хоҳламайди, чунки улар эркакларга борганда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб ўз ҳаёти учун пул топади. Кичик қўмита вакилининг саволига мувофиқлаштирувчи жавоб бериб, аёллар эркаклар томонидан жинсий таъқибга учрамаслигини, чунки бош мувофиқлаштирувчи тартиб сақлашини айтди. Кичик қўмита вакиллари таъкидлаганидек, айрим аёл маҳбусларга саволларга қандай жавоб бериш лозимлиги хусусида йўл-йўриқ кўрсатилган ва уларнинг баъзи мавзуларни муҳокама қилиш хоҳиши йўқлиги кўриниб турди»<sup>50</sup>.

«...аёллар бўлинмалари эркакларникидан ажратилган эди: аёллар бўлинмаларига йўл қўлланадиган металл эшик орқали ўтарди. Ушбу эшик яшил формадаги эркак маҳбус томонидан қўриқланарди. Амалиётда делегация аъзолари кузатганидек, ушбу соқчи-маҳбус бир неча марта бошқа эркаклар билан (шу жумладан бригадир билан) бирга ҳеч қандай огоҳлантиришсиз аёллар бўлинмалари ўтган»<sup>51</sup>.

Шундай қилиб, мониторинг ташкилотлари нафақат аёл ва эркак маҳбуслар алоҳида сақланишини, балки амалиётда бундай алоҳида сақланишга риоя этилишини ҳам текшириши лозим. Шунингдек, улар қамоқхона ходимлари, шу жумладан аёл ходимларнинг эркаклар ва аёллар ўртасидаги алоқаларга ҳеч

<sup>46</sup> 'Egypt court stops virginity tests in military prisons', BBC, 27 декабры 2011, <http://www.bbc.co.uk/news/world-middle-east-16339398> <accessed 24 November 2015>.

<sup>47</sup> Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 11 (а)-қоида.

<sup>48</sup> Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 11 (d)-қоида.

<sup>49</sup> Стандарты КПП (2006), Взято из 10-го Доклада общего характера, CPT/Inf (2000) 13, п. 24.

<sup>50</sup> БМТ Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитасининг Гондурасга ташриф натижалари бўйича маърузаси, 2010 йил 10 февраль, CAT/OP/HND/1, 2010 10 февраль, 259-б.

<sup>51</sup> БМТ Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитасининг Бенинга ташриф натижалари бўйича маърузаси, CAT/OP/BEN/1, 2011 йил 15 март, 185-б.

қандай кафолатларсиз, юқорида келтирилган мисоллардагидек рухсат бериб ва ҳатто кўмаклашиб тааллуқлилиги эҳтимолини баҳолаши зарур.

#### **d. Эркак ходимлар томонидан назорат амалга оширилиши/ ходимларнинг аралаш тўлдирилиши муҳити**

Агар аёллар устидан назорат эркак ходимлар томонидан амалга оширилса, айниқса, ўз вазифаларини бажаришда аёл маҳбуслар билан бевосита алоқада бўлса, аёллар жинсий таҳқирлаш хатарига дучор бўлади. Энг яхши тақдирда, бу каби ҳаракатлар аёллар ўз бўлинмаларида, душ хоналарида ёки ҳожатхонада бўлганда улар аёлларни мўралаб кўришдан, аёллар кийимини алмаштирганда аёллар бўлинмаларига киришдан, энг ёмон тақдирда эса, озиқ-овқат ёки хизматлар эвазига секс билан шуғулланишга мажбурлашдан ёки шунчаки номусга тегишдан иборат бўлиши мумкин. Аёлларнинг жинсий зўравонлик олдида заифлигини эътироф этган ҳолда Минимал стандарт қоидалари эркак ходимни аёллар бўлимида назорат қилиш тайинловига тақиқ белгилаб қўйган<sup>52</sup>.

Аммо мазкур қоида баъзан аёл ходимлар етишмаслиги сабабли, бошқа ҳолларда ишга жойлаштиришда тенг имкониятлар таъминлаш борасида ташвиш сабабли ҳамма мамлакатларда ҳам қўлланилмайди. Учинчидан, бу аралаш жамоа қамоқхона ҳаётини нормаллаштиришга кўмаклашадиган амалиёт сифатида қабул қилиниши билан изоҳланади. Унча кўп сонли бўлмаган мамлакатларда бундай ёндашув аёлларнинг қамоқхоналарида шароитларни «нормаллаштириш» бобида айрим афзалликларга эга. Аммо бундай ёндашувнинг муваффақияти кўп жиҳатдан зарур тайёргарликдан ўтган етарли миқдорда ходимларнинг мавжудлигига, хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилишга, шикоят қилиш ва уларни кўриб чиқиш ҳамда мустақил текширувлар ўтказиш махфий механизмлари мавжудлигига боғлиқ. Ҳамма вақтда ҳам «исталган» бўлмаган (яъни камситиш маданияти ва гендер зўравонлик устувор бўлган) «нормал» деб ҳисобланган жамиятларда, озодликдан маҳрум этиш жойларида инсон ҳуқуқлари бузилиши кенг тарқалган, чекланган молиявий ва инсоний

захиралар қамоқхона ходимлари тегишли тайёргарлик ўтишини таъминлаш имконини бермайдиган тизимларда бундай сиёсат билан боғлиқ ва маҳбуслар учун ҳалокат келтирувчи хатарлар эҳтимоли жуда баланд. Масалан, гендер омилларни инобатга олган ҳолда ходимларнинг аралаш тўлдирилиши сиёсати қўлланилган АҚШ қамоқхоналарида жинсий таҳқирлаш, шу жумладан эркак ходимлар томонидан содир этилган номусга тегишнинг кўплаб ҳолатлари ҳужжатлар билан расмийлаштирилган<sup>53</sup>.

Минимал стандарт қоидаларида ушбу масала юзасидан аниқ нуқтаи назар ўз ифодасини топган, уларни тўлдирувчи Бангкок қоидаларида эса аёллар колонияларида ишлаш рухсат этилган ходимларни гендер тақсимланишига доир янги қоидалар ҳали қабул қилинмаган. Мониторинг ташкилотлари буни назарда тутишлари ва ушбу Қоидаларни хатар омилларини баҳолашда ва тавсиялар таёрлашда мўлжал сифатида қўллашлари лозим. Аммо агар Минимал стандарт қоидалари ва Бангкок қоидаларига, шунингдек мониторинг ташкилотларининг тавсияларига қарамасдан эркак ходимларга аёллар қамоқхоналарида ишлашларига рухсат берилган бўлса, улар эркак ходимлар маҳбуслар устидан бевосита назорат қилишни назарда тутадиган вазифаларга қачондир тайинланганини, хусусий хоналарга, масалан ётоқхона ва душ хонасига кира олишини ёки ушбу хоналарда нима бўлаётганини кузата олиш мумкин бўлган жойларда бўлишини аниқлаши ва текшириши лозим. Мониторинг ташкилотлари тегишли, камида, бундай амалиётларга, агар шундайлари бўлса, чек қўйиш хусусида тавсиялар беришлари лозим. Улар ёдда тутиши керакки, аёл ходимлар ҳам аёл маҳбусларга нисбатан зўравонлик қўллаши мумкин ва шунинг учун фақат аёл ходимлар маҳбуслар устидан назоратни амалга оширадиган қамоқхоналарда аёл маҳбусларни зўравонликдан ҳимоя қилиш сиёсати мавжудлигини таъминлаш муҳимдир.

Бангкок қоидаларига асосан<sup>54</sup> мониторинг ташкилотлари бошқа вазифалар қаторида аёллар қамоқхоналарида хизмат қилаётган барча ходимларни ишга олиш ва тайёрлаш ҳамда аёлларнинг шикоят беришнинг мустақил ва махфий механизмларидан

<sup>52</sup>Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 81-қоида.

<sup>53</sup>Қаранг, масалан 'Frequent and severe' sexual violence alleged at women's prison in Alabama', NBC News, 23 May 2012, [http://usnews.nbcnews.com/\\_news/2012/05/23/11830574-frequent-and-severe-sexual-violence-alleged-at-womens-prison-in-alabama?lite](http://usnews.nbcnews.com/_news/2012/05/23/11830574-frequent-and-severe-sexual-violence-alleged-at-womens-prison-in-alabama?lite) <accessed 24 November 2015>; 'Sentenced to Rape—Behind Bars in America', The Daily Beast, 10 November 2011 <http://www.thedailybeast.com/articles/2011/11/10/sentenced-to-rape-behind-bars-in-america.html> <accessed 24 November 2015>; All too Familiar, Sexual Abuse of Women in U.S. State Prisons, Human Rights Watch, 1996; Kim Shayo Buchanan, Impunity: Sexual Abuse in Women's Prisons, Harvard Civil Rights-Civil Liberties Law Review [Vol. 42], pp45-87.

<sup>54</sup>Бангкок қоидалари, 29-35-қоидалар

фойдалана олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишлари лозим<sup>55</sup>. Улар Бангкок қоидаларига мувофиқ шикоят айна вақтда мустақил орган томонидан тергов қилинаётган вақтда шафқатсиз муомалада бўлиш ҳолатлари ҳақида хабар берадиган аёл маҳбусларнинг ҳимояси таъминланганини, уларга кўмак кўрсатилаётгани ва маслаҳат берилаётганини баҳолашга уринишлари ҳам зарур<sup>56</sup>. Бундай таҳлил ёпиқ муассасалар фаолиятини тартибга соладиган қонунчилик асосларини ва мумкин бўлганда амалиёт таҳлилини қамраб олиши керак.

### е. Тинтув ўтказиш сиёсати ва амалиёти

Шахсий тинтувлар – барча маҳбуслар учун жуда сезгир масала. Айниқса, бу аёллар ўтмишидаги тажрибаси, уларга нисбатан жинсий зўравонлик қўлланилганлиги сабабли уларга тааллуқлидир. Барча жамиятларда, айниқса аёлларнинг эркакларга нисбатан бўсунадиган ҳолати устувор бўлиб, жинсга мансублик унутилиб инкор этилса, агар тинтувлар бошқа жинс вакили томонидан ўтказилса, камситиши ва ҳатто жароҳат етказиши мумкин.

Эркаклар аёллар устидан назорат қилиш учун жавобгар бўлган ёки гендер балансни ҳисобга олган ҳолда штатлар тўлдирилиши сиёсати қўлланилган муайян қамоқхона тизимларида аёл маҳбуслар эркак ходимлар томонидан тинтув қилиниши мумкин. Ходимлар «уриб-уриб ёки ушлаб кўриш» йўли билан аёлнинг баданини номақбул тарзда тегиш ёки қўл тегизиш имкониятини суиистеъмол қилиши ва шу тариқа уни жинсий белги бўйича камситиши мумкин тинтувлар шулар жумласидандир. Тўлиқ ечинтириш тинтувларига ва интрузив тинтувгача (тананинг ичларини текшириш билан) бориши мумкин<sup>57</sup>. Айрим мамлакатларда аёлларни эркак ходимлар ҳозирлигида тинтув қилиш мунтазам равишда қўлланилади, бу эса ушбу жараён вақтида таҳқирлашга олиб келади.

Ушбу жараёнда ҳатто фақат аёллар иштирок этса ҳам, ечинтириб тинтувлар ва интрузив тинтувлар, айниқса, агар бундай тартиб-таомиллар ўзбошимчалик билан ва мунтазам равишда ўтказилса, тинтув қилинаётган аёлнинг инсон қадр-қиммати ва шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳуқуқига риоя этилмаса, тинтув

қилинаётган аёл учун қаттиқ ҳақоратланиш ҳиссини вужудга келтириши мумкин. Мониторинг ташкилотлари Бангкок қоидалари ва қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидаларидаги (50-52-қоидалар) ушбу ўта оғриқли муаммога тегишли бандлари қўлланилаётганини текшириши жуда муҳим.

Қоидалар тинтувларни зарурат ва мутаносиблик тамойиллари ҳурмат қилинадиган, халқаро стандарт ва нормалар ҳисобга олинadиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ўтказилишини талаб этади. Тинтувлар тинтув қилинаётган шахснинг инсон қадр-қиммати ва шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳурмат қилинишини таъминлаган ҳолда ўтказилади (50-қоида). Бангкок қоидаларининг 19-қоидасида ушбу тамойиллар ўз аксини топган бўлиб, улар қамоқхона маъмуриятдан тинтувлар вақтида аёл маҳбусларнинг қадр-қимматини ҳимоя қилиш бўйича самарали чоралар кўришни талаб этади. Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидаларининг 51-қоидасида бевосита таъкидланганидек, «тинтувлар маҳбусни қўрқитиш, даҳшатга солиш ёки шахсий ҳаётининг дахлсизлигига тажовуз қилиш мақсадида ўтказилмаслиги керак».

Мониторинг гуруҳлари эътиборга олиш керакки, инвазив шахсий тинтувлар (тўлиқ ечинтириш ва тананинг ичларини текшириш билан) умуман ўтказилмаслиги ёки фақат охириги зарурат бўлган тақдирда қонунчиликка мувофиқ тергов қилишнинг бошқа воситалари қўлланилиб бўлганидан сўнг ўтказилиши керак<sup>58</sup>. Бангкок қоидаларининг 20-қоидаси сканер қилиш каби скрининг (кўздан кечириш) муқобил усуллари ишлаб чиқишни тавсия қилади. Мақсад инвазив шахсий тинтувнинг жароҳатловчи руҳий ва эҳтимоли бўлган жисмоний таъсиридан қочиш, ушбу қоидани мониторинг гуруҳлари ҳолатларни аниқлаш ва тавсияларни ишлаб чиқишда мўлжал сифатида қўллаш лозим<sup>59</sup>.

Бангкок қоидаларининг 19-қоидаси назарда тутганидек, тинтувлар қўлланиладиган жойларда улар фақат тинтувлар ўтказиш тегишли усуллари бўйича лозим даражада тайёргарликдан ўтган аёл ходимлар томонидан белгиланган тартибга мувофиқ ўтказилади<sup>60</sup>. Кўпинча бундай тинтувлар ўтказилишига

<sup>55</sup>Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 56 (3) ва 57 (1)-қоидалар.

<sup>56</sup>Бангкок қоидалари, 25 (1) ва (2)-қоидалар.

<sup>57</sup>Тўлиқ ечинтириш билан тинтув тананинг сирли қисмларини текшириш билан бирга кўздан кечириш мақсадида бош-кийим бир қисми ёки унинг барчасини ечиш ёки ечиб қийишни англатади. Тананинг инвазив тинтув қилиш ушлаб турилган шахс танасининг генитал ёки анал қисмларини жисмоний текширишдан иборатдир.

<sup>58</sup>Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 52 (1)-қоида.

<sup>59</sup>Ibid.

<sup>60</sup>Қаранг Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 52-қоида.



тиббий ходимлар жалб қилинади. Одатда, тиббий ходимлар маҳбусларнинг тинтувида иштирок этмасликлари лозим, чунки улар қамоқхона хавфсизлигини таъминлаш тартиб-таомилларининг қисми ҳисобланади, шифокорларнинг бундай хатти-ҳаракатларда иштирок этиши билан уларнинг ўз беморлари соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича масъулиятига путур етказилиши мумкин<sup>61</sup>. Аммо истисно ҳолларда ва, айниқса, тегишли маҳбус бу ҳақда илтимос қилган тақдирда тананинг ичларини текшириш билан инвазив тинтувда шифокорларнинг иштирок этиши аёл маҳбусга бундай тинтув давомида жароҳат етказилишининг олдини олиш учун ўзини оқлайди. Бундай ҳолларда тинтувлар қамоқхона шифокорларидан ташқари бошқа тиббий ходимлар томонидан ўтказилиши мумкин<sup>62</sup>, бу аёлларни ҳар қандай жароҳат етказилишидан ҳимоя қилиш учун зарур. Бунда қамоқхона шифокори ва аёл маҳбус ўртасидаги ишончли муносабатлар бузилмайди. Чунки тинтувлар аслида тиббий аралашув эмас, балки хавфсизликнинг тартиб-таомил билан боғлиқ жиҳатларидир<sup>63</sup>. Бундай текширув ўтказаятган шифокор аёл маҳбусга тушунтириши керакки, бундай шароитда шифокор сирига риоя этиш одатий амалиёти қўлланилмайди ва тинтувнинг текшириш билан бирга натижалари қамоқхона маъмуриятига юборилади.

Муқобиллик сифатида тана ичларини текшириш билан бирга тинтувлар фақат лозим даражада тайёргарликдан ўтган ва қамоқхона тиббий-санитария бўлими ҳисобланмаган тиббиёт мутахассислари томонидан гигиена, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик

стандартларига ўқитилган аёл ходимлар томонидан ўтказилиши мумкин<sup>64</sup>.

Мониторинг ташкилотлари ўтказилган текширувлар лозим даражада қайд этилаётганини, айниқса тўлиқ ечинтириш билан бўлган ҳар бир тинтув ва инвазив шахсий тинтув, шу жумладан тинтув ўтказиш сабаблари, тинтув ўтказган шахсларнинг ФИШ, тинтув натижалари ва уни ўтказиш учун рухсат Минимал стандарт қоидаларининг 52-қоидасига мувофиқ рўйхатга олиниши тасдиқланган бўлишига ишонч ҳосил қилишлари лозим.

#### **f. Ёлғиз ўзини қамаб қўйиш / жарима ҳибсхонаси**

Ёлғиз ўзини қамаб қўйиш соғлиқ учун жиддий салбий психологик ва баъзан физиологик зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида кўплаб ҳужжат билан расмийлаштирилган ҳолатлар мавжуд<sup>65</sup>. Истанбул Баёнида «қамоқхоналарда ёлғиз ўзини қамаб қўйишни қўллаш минимал бўлиши»<sup>66</sup> ҳамда руҳий бузилиши бўлган маҳбусларга нисбатан умуман тақиқланиши кераклиги тавсия қилинган<sup>67</sup>.

Қийноқларга қарши қўмита, Европа қийноқларнинг ва ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлиш ёки жазолашнинг олдини олиш қўмитаси (ЕҚОҚ) ва Қийноқлар бўйича махсус маърузачи – ҳамма узоқ муддатли ёлғиз ўзини қамаб қўйишнинг салбий жисмоний ва руҳий оқибатларини тан олиб, унинг қўлланилиши юзасидан ташвишланишини изҳор этди.

<sup>61</sup>Қаранг Принципы медицинской этики, относящихся к роли работников здравоохранения, в особенности врачей, в защите заключенных или задержанных лиц от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания, принятые Резолюцией 37/194 ГА ООН от 18 декабря 1982 года, принцип 3. Қаранг Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 46 (1)-қоида.

<sup>62</sup>Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидаларининг 52 (2)-қоидасига ҳамда Маҳбусларни тинтув қилиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ, Бутунжаҳон тиббиёт ассоциацияси (45-Бутунжаҳон тиббий ассамблея томонидан қабул қилинган, Будапешт, Венгрия, октябрь 1993 й. ва Кенгашнинг 170-сессиясида таҳрир қилинган, Дивон-ле-Бен, Франция, май 2005 й. (<http://www.wma.net/e/policy/b5.htm>). Унга кўра, тинтувларнинг мақсади авваломбор хавфсизликни таъминлаш ва ёки қамоқхонага қурол ёки гиёҳвандлик моддалари каби тақиқланган ашёларнинг контрабанда йўли билан кириб келишининг олдини олишни таъминлаш. Бундай тинтувлар хавфсизлик нуқтаи назаридан эмас, балки тиббий асослар бўйича ўтказилади. Шу билан бирга текшириш билан тинтувлар фақат тегишли тиббий тайёргарлиги бўлган шахс томонидан ўтказилиши керак. Бундай тиббий бўлмаган ҳаракат тиббий тайёргарликдан ўтмаган эксперт томонидан тинтув ўтказилиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган зарардан маҳбусни ҳимоя қилиш учун шифокор томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолатда шифокор буни маҳбусга тушунтириши керак. Бундан ташқари, шифокор тиббий махфийлик одатий шароитлари ушбу зарур тартиб-таомил вақтида қўлланилмаслигини ва тинтув натижалари ҳокимият идораларига етказилишини тушунтириши керак. Агар шифокор ҳокимият идоралари томонидан ваколатли қилиб қўйилган ва маҳбуснинг танаси сирли қисмларини текшириш билан бирга тинтув ўтказишга рози бўлса, ҳокимият идоралари ушбу тартиб-таомилни инсонийлик асосида амалга ошириш лозимлиги ҳақида хабардор қилиниши лозим. Агар текшириш шифокор томонидан ўтказилса, унда бу текшириш кейинчалик маҳбусга тиббий ёрдам кўрсатадиган шифокор томонидан ўтказилмаслиги керак. Шифокорнинг маҳбусга тиббий ёрдам кўрсатиш вазифаси қамоқхона хавфсизлиги тизимида иштирок этиши билан бузилмаслиги керак. [...]

<sup>63</sup>Қайта кўриб чиқилган минимал стандарт қоидалари, 52 (2)-қоида. Қаранг Заявление о порядке обыска заключенных, (Statement on Body Searches of Prisoners), Всемирная медицинская ассоциация, op.cit.

<sup>64</sup>Қаранг Заявление о порядке обыска заключенных, Всемирная медицинская ассоциация, op.cit.

<sup>65</sup>2007 йил 9 декабрда Истанбулда бўлиб ўтган Ёлғиз ўзини қамаб қўйишнинг психологик масалалари бўйича халқаро симпозиумда қабул қилинган Ёлғиз ўзини қамаб қўйишни қўллаш ва унинг оқибатлари ҳақидаги Истанбул баёноти. Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала қилиш ва жазолаш турлари бўйича Махсус маърузачининг оралиқ маърузасига иловада А/63/175, 2008 йил 28 июль. –Б. 23.

<sup>66</sup>Ibid., p.24.

<sup>67</sup>Ibid., p.25.

Ёлғиз ўзини қамаб қўйиш қўлланилиши бўйича тобора ўсиб бораётган ташвиш доирасида Минимал стандарт қоидаларида биринчи маротаба ушбу амалиёт бўйича аниқ кўрсатмалар ва чекловлар тақдим этилган. Қўйидаги жиҳатлар доим қонунчиликда ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тартибга солиниши керак: «маҳбусларнинг умумий контингентидан мажбуран айиришга, шу жумладан ҳар қандай мажбуран ажратиш чораларидан фойдаланишни ва уларни қўллаш ва бекор қилиш тартибини қайта кўриб чиқишни тартибга соладиган тамойиллар ва тартиб-таомилларни жорий этиш» (37-қоида). Қоидаларда ёлғиз ўзини қамаб қўйиш кунига 22 соат ёки ундан кўпроқ вақт (кетма-кет 15 кундан ортиқ муддат) мобайнида маҳбусларга одамлар билан мазмунли алоқада бўлиш имконини бермай, уларнинг эркинлигини чеклашни англатади (43 ва 44-қоидалар).

Мутлақо тақиқни жорий этишдан ташқари, Қоидаларда аниқ ёзиб қўйилган: «Ёлғиз ўзини қамаб қўйишни алоҳида ҳолларда имкон қадар қисқа муддат давомида мустақил назорат қилиб туриш шарти билан ва ваколатли органнинг рухсати билан энг қаттиқ чора сифатида қўллаш зарур» (45(1)-қоида). Бундан ташқари, Қоидалар уларни қамоқда сақлаш билан боғлиқ салбий оқибатларни камайтириш учун зарур чоралар кўришга чақиради (38(2)-қоида).

Қамоқхонага келганда психологик ёрдам олиш зарурати ва эҳтиёжи ёки қамоқхона руҳий бузилишлари ривожланиши сабабли аёллар алоҳида хатарга мойил. Шунинг учун улар ёлғиз ўзини қамаб қўйиш зарарли психологик оқибатларга мойиллиги нуқтаи назаридан хатари юқори бўлган гуруҳ вакиллари хисобланади. Бундан қўйида келтирилган ва Канадада хабари кенг тарқалган мисол дарак беради.

**2007 йилда Канаданинг Онтарио шаҳрида қамоқхона назоратчилари эшикнинг орқасида туриб кузатган ва юз бераётганлар видеотасвирга тушаётганида руҳий ҳолати бузилиши бўлган 19 ёшли маҳбус камерасида суиқасд содир этган. Назоратчиларга аралашмаслик буйруғи берилган, чунки бу маҳбус томонидан ўзини майиб қилишга биринчи уриниш бўлмаган. Ўз ҳаётининг сўнгги йилини қиз бир кишилик камерада ўтказган ва 17 маротаба мамлакат провинцияларининг тўққизта қамоқхонасига тегишли руҳий даволаниш олмасдан ўтказилган. Мақола ёзилган вақтда суд-тиббий экспертиза муассасаси хулоса бермаган эди<sup>68</sup>.**

Ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар ва қамоқхонада болалари бирга яшайдиган аёл маҳбусларга келсак, уларга нисбатан ёлғиз қамаб қўйишни қўллаш нафақат аёлларнинг руҳий соғлиғига, балки уларнинг болаларига ҳам зарар етказиб, бу соғлиқ учун узоқ муддатли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бир кишилик камерада сақлаш ҳомиладор аёлларнинг ва яқинда туққан аёл маҳбусларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу хатар омилларини инобатга олиб, мониторинг ташкилотлари қамоқда ҳомиладор аёлларга, эмизадиган болалари бўлган аёлларга ва эмизикли оналарга нисбатан интизомий чора сифатида ёлғиз қамаб қўйиш қўлланилишини баҳолаши лозим. Бундан кейин Бангкок қоидаларининг 22-қоидасига мувофиқ бундай амалиёт қўлланилишини тақиқлаш тўғрисида тегишли тавсиялар тайёрлаш лозим. Унга кўра, ушбу тоифадаги аёлларга нисбатан жазо чораси сифатида ёлғиз ўзини қамаб қўйишни қўллашга тақиқ белгиланади. Мониторинг ташкилотлари шуни ҳам ёдда тутиши керакки, жазо сифатида қўлланилиши тақиқланган чора ва ҳеч қандай интизомий қоидабузарлик содир этилмаган вазияталарда ундан фойдаланиш мутлақо мақбул эмас. Улар шу аснода ўз тавсияларини шакллантиришлари зарур.

<sup>67</sup> Ibid., p24.

<sup>68</sup> Ibid., p25.



Кейин кўриб чиқарар эканмиз, ва Истанбул баёнига ва бошқа юқорида тилга олинган халқаро суд амалиётларига ҳавола қилиб, мониторинг органлари ёлғиз ўзини қамаб қўйишдан руҳий соғлиғини даволаш эҳтиёжлари бўлган аёлларга нисбатан фойдаланилишини, шу жумладан ўзини майиб қилиб қўйиш, суиқасд қилиш уринишлари тарихини аниқлаши ва кўрсатилган тоифдаги аёл маҳбусларга нисбатан бундай амалиётни тақиқлашни тавсия қилиши лозим (Қаранг 4 (с)-бўлими).

#### **g. Тинчлантириш воситаларининг лозим даражада қўлланмаслиги ва асоссиз қўлланилиши**

Маҳбусларга нисбатан тинчлантириш механик воситаларини қўллаш – бу яна бир оғриқли масала. Тинчлантиришга дучор бўлишнинг ўзи барча маҳбуслар учун камситиш ҳолати ҳисобланади ва бунинг асоссиз ва номуайян муддатга қўлланилган тақдирда маҳбуслар билан инсон қадр-қимматига риоя қилган ҳолда муомалада бўлиш талаби бузилади<sup>69</sup>. Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари маҳбусларга нисбатан тинчлантириш воситаларини қўллашга қатъий чекловлар белгилаган<sup>70</sup>. Қоидалар ўз табиғига кўра қадр-қимматни таҳқирлайдиган ёки оғриқ берадиган тинчлантириш воситаларидан фойдаланишни ва уларни интизомий қоидабузарликлар учун жазо чораси сифатида қўллашни тақиқлайди. Тинчлантиришнинг бошқа воситаларидан, агар бунга қонунда рухсат берилган бўлса, фақат муайян ҳолатларда фойдаланиш мумкин (масалан, қочиб кетишнинг олдини олиш учун, агар маҳбусга ўзига ёки бошқаларга зарар етказишга ҳалақит бериш керак бўлса). Бундан ташқари, назоратнинг нисбатан юмшоқроқ шакллари хатарни бартараф этиш учун самарасиз бўлган тақдирда тинчлантириш воситаларидан фойдаланиш керак ва улар мумкин қадар тезроқ олиб ташланиши керак. Тинчлантириш воситаларидан фойдаланиш

бўйича тайёргарлик ўташни, шу жумладан уларнинг эҳтиёжини ёки мажбуран қўллаш даражасини бартараф этадиган назорат усулларига ўргатишни таъминлаш зарур.

Тинчлантириш воситаларидан фойдаланиш, шу жумладан куч ва тинчлантириш воситаларини қўллаш масалалари бўйича тайёргарликни таъминлаш зарур, бу уларнинг қўллаш заруратини пасайтирарди ва вазиятни енгиллаштиришга олиб келади<sup>71</sup>.

Қўшимча тарзда таъкидлаш жоизки, Бангкок қоидалари тинчлантириш воситаларидан тўлғоқ вақтида, туғиш вақтида ва туғгандан кейин қўллашни тақиқлайди<sup>72</sup>.

Шу билан бирга, айрим мамлакатларда ҳанузгача тинчлантириш воситаларидан фойдаланилади, масалан, тиббиёт мутахассисларининг тўлғоқ ва туғиш вақтида кишан ишлатмасликка доир арзларига<sup>73</sup> қарамасдан касалхонага транспортда олиб борганда, гинекологик кўриклар ва туғиш вақтида ҳомиладор аёлларга кишан солинади<sup>74</sup>. Қийноқларнинг олдини олиш қўмитаси таъкидлаганидек, «...вақт-вақти билан ҚҚҚ гинекологик кўриклар ва/ёки тўлғоқ вақтида ҳомиладор аёлларни кишанга солган ёки бошқа тарзда каравотига ёки бошқа мебель буюмларига бойлаб қўйган ҳолатларга дуч келмоқда. Бундай ёндашув умуман мақбул эмас ҳамда шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлиш сифатида таснифланиши мумкин. Хавфсизлик соҳасидаги эҳтиёжларни қондиришнинг бошқа воситалари топилиши мумкин ва керакдир»<sup>75</sup>.

Мониторинг гуруҳлари шу тоифдаги аёлларга нисбатан тинчлантириш воситаларини қўллашни қатъий тақиқлайдиган Бангкок қоидалари ва қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидаларига мувофиқ ҳолатларни аниқлаш фаолиятлари аёлларга нисбатан тинчлантириш воситаларидан фойдаланилиши,

<sup>69</sup>МППП, 10-модда.

<sup>70</sup>Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 43 (2), 47-49 ва 76(с)-қоида.

<sup>71</sup>Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 43 (2), 47-4 ва 76 (с)-қоида.

<sup>72</sup>Бангкок қоидалари, 24-қоида; ҳамда қаранг Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 48 (2)-қоида.

<sup>73</sup>Масалан, Америка акушер-гинекологлар коллежи ва Америка жамоат соғлиқни сақлаш ассоциацияси кишан солиш амалиётини қоралаб, бу аёллар соғлиғига хавф туғдириши ҳамда кучли оғриқ ва жароҳатларга олиб келишини эътироф этган. Репродуктив саломатликка ҳуқуқларни ҳимоя қилиш маркази таъкидлаганидек, кишанланган ҳаракатлар тўлғоқ вақтида, туғиш вақтида ва туғгандан кейинги даврда жиддий аҳамият касб этади. (См. Shackling of pregnant women and girls in correctional systems, NCCD Center for Girls and Young Women, ([http://www.nccdglobal.org/sites/default/files/publication\\_pdf/shackling.pdf](http://www.nccdglobal.org/sites/default/files/publication_pdf/shackling.pdf) <accessed 24 November 2015>.). «Amnesty International» акушер-гинеколог томонидан айтилган муаммолар ҳақида Прентис номидаги Шимолий-Ғарбий университет аёллар касалхонасида маълум қилди (Northwestern University's Prentice Women's Hospital; in 'Not part of my sentence: Violations of the Human Rights of Women in Custody', AI Index: AMR 51/01/99, Amnesty International, March 1999.)

<sup>74</sup>Масалан, АҚШда 2000 йилдан бошлаб 14 штатда аёл маҳбусларга ишлаётган вақтда кишан солиш тақиқланган бир пайтда бошқа штатлар қамоқхоналари маъмуриятлари ушбу амалиёт тақиқланишига қарши чиқишди. Қаранг: <http://www.thecrimereport.org/archive/2011-08-chained-and-pregnant> and <http://ipsnews.net/news.asp?idnews=106119> <accessed 24 November 2015>; see also 'Va. House subcommittee rejects bill to restrict use of restraints on pregnant prison inmates', By Associated Press, Published: February 9, <http://aponline.org/page/10/> <accessed 24 November 2015>.

<sup>75</sup>Европа қийноқлар ва ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг олдини олиш қўмитаси, CPT Standards, CPT/Inf/E (2002) 1–Rev. 2006, Взято из 10-го Отчета общего порядка, CPT/Inf (2000) 13, para. 27.

айниқса тўлғоқ вақтида, туғиш вақтида ва туғгандан кейин дарҳол фойдаланилиши таҳлилини ўз ичига олиши керак<sup>76</sup>.

#### **h. Соғлиқни сақлашда гендер, гигиена, жинсий ва репродуктив эҳтиёжларнинг етарли даражада таъминламаганлиги**

Кўп қамоқхоналарга хос бўлган аҳолиси ортиқчалиги муаммоси билан тобора чуқурлашиб бораётган шароитлар ва хизматлар лозим даражада бўлмаганлиги барча маҳбусларнинг, шу жумладан аёлларнинг руҳий ва жисмоний соғлиғига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки мазкур ҳужжатда аёлларнинг умумий ҳисобланган алоҳида эҳтиёжлари ёки улар эркакларга қараганда ўткир сезадиган эҳтиёжлар кўриб чиқилади. Бу ерда икки жиҳатга эътибор қаратиш лозим – бу гендер омилларни инобатга олган ҳолда гигиенага доир ва тиббий эҳтиёжлар.

Аёллар мунтазам равишда, айтиқса ҳайз цикли даврида, ҳайз тўхтаи келгунгача, ҳомиладор бўлганда ёки болалари билан сақланганда сувдан фойдалана олишлари лозим. Аёлларга гигиена салфеткалари/қистирмаларидан текин фойдалана олишлари ҳам зарур, ва улар тақдим этилишини сўрашга уялманг<sup>77</sup>. ҚҚҚ гигиена қистирмалари каби энг зарур нарсаларни таъминлашга лаёқатсизлик охир-оқибат соғлиқ ёмонлашувига олиб келиши мумкин<sup>78</sup>.

Хусусан, захиралари чекланган мамлакатларда аёллар ва улар билан бирга қамоқхонада сақланаётган ҳар қандай болаларнинг гигиенага доир ўзига хос эҳтиёжлари бузилиш ҳолатлари кўпинча учрайди. Бенин давлатига ташриф чоғида Қийноқларнинг олдини олиш қўмитаси маърузасидан олинган мисоллар кўрсатганидек, болалар ҳам камситишга дучор бўлиши мумкин:

**«Делегация қамоқда устида кийими бўлмаган саккиз ойлик боласи билан сақланаётган аёлни кузатиб борди... камерада сийдик ва аҳлат ҳиди келарди. Аёл камерада санитар челақ йўқлигини тушунтирган, чунки ходимлар ҳожатхонадан фойдаланиш учун камерадан чиқариб туришга ваъда қилган. Аммо у кечаси уларни натижасиз чақирган ва бола камера бурчагига ҳожатини чиқарган. Аёлда камерани тозалаш учун**

**имконият бўлмаган. Камерада пашшалар, бола танасида бурга чаққаннинг излари бор эди. Эрталаб соқчилар келиб, уни камера ёнидаги ҳожатхонага чиқаришди. Делегация иккинчи камерани ҳам кўришди (5м x 4.4м, баландлиги 2.7м), у ерда беш нафар эркак сақланган. Бу ерда водопровод ва алоҳида жойлашган ҳожатхона ва душ бор эди<sup>79</sup>.**

**«Қамоқхонада ... сақланган шахслар тўртта бинода тунаган, лекин тахминан 60 нафар аёл, шу жумладан чақалоқлар, кичик ёшдаги болалар ва барча қиз-маҳбуслар жой етишмаганлиги сабабли ўз биносидан ташқарида ухлаган .... Очиқ ҳавода бўлиш шароитлари, айтиқса ёш болалари бўлган аёлларга ёки ҳомиладор аёлларга ўта оғир ва санитария талабларига жавоб бермасди»<sup>80</sup>.**

Мониторинг ташкилотлари аёлларнинг ўзига хос гигиенага оид эҳтиёжлари таъминланаётганини, ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар ва қарамоғида болалари бўлган аёллар сақланадиган хоналарда аёлларнинг ва улар болаларининг ўзига хос гигиенага оид эҳтиёжлари ҳисобга олинаётганини текшириши лозим. Мониторинг ташкилотлари бундан ҳам илгарилаб боришлари мумкин ва Бангкок қоидалари асосида ўз фаолиятида мўлжал қилиб, Бангкок қоидалари ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларига биноан болалар манфаатларини энг яхши тарзда таъминлашдан<sup>81</sup> келиб чиққан ҳолда аёлларни бундай шароитда жойлаштиришдан (айрим мамлакатларда ғайриинсоний ва инсон қадр-қимматини камситувчи муомалада бўлишга тенглаштирилади) ҳимоялаш учун бундай тоифадаги аёлларга нисбатан қамоқда сақлаш ўрнига муқобиллардан фойдаланишни рағбатлантириши мумкин.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида кўпинча аёлларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқлари, хусусан репродуктив ва жинсий саломатлик ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари кузатилади. Улар сирасига аёлларнинг гендер эҳтиёжларини инобатга олган профилактик тиббий хизматлардан (бачадон бўйинчаси ва кўкраксимон саратон касали скрининги), жинсий алоқа орқали ўтадиган инфекцияларни (ЖАҲИ) даволаш, шу жумладан аёллар, айтиқса, олдида ожиз бўлган ОИВ/ОИТС муносабати билан ихтиёрий равишда тестдан ўтиш, даволаниш ва парвариш бўйича

<sup>76</sup>Бангкок ыоидалари, 24-қоида, Қайта кўриб чиқилган Минисмал стандарт қоидалари, 48 (2)-қоида

<sup>77</sup>Бангкок қоидалари, 5-қоида.

<sup>78</sup>ҚҚҚ стандартлари, 2006, Умумий тартибдаги 10-ҳисоботан олинган, CPT/Inf (2000) 13, 31-6.

<sup>79</sup>БМТ Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитасининг Бенинга ташриф натижалари бўйича маърузаси, CAT/OP/BEN/1, 2011 йил 15 март, 114-6.

<sup>80</sup>Ibid. 185-6.

<sup>81</sup>Бангкок қоидалари, 64-қоида.

хизматлардан фойдалана олмаслиги киради.<sup>82</sup> Қамоқхонада аёллар, айниқса, ўзларининг жинсий зўравонлик, секс индустриясидаги ишлар ва гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиш билан боғлиқ ўтмишдаги тажрибаси туфайли ЖАЎИ юқтириш юқори хатари гуруҳи ҳисобланади намоён этади. Туғиш вақтида постнатал ва пренатал парвариш ҳамда тиббий хизматлар, қоида тариқасида, анча паст даражасидадир.

Таъкидлаш жоизки, тиббий кўриклар ўз-ўзидан муайян ҳолатларда ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи сифатида қабул қилиниши мумкин. Масалан, аёл кўриқдан ўтиш ва даволаш аёл шифокорлар томонидан амалга оширишни илтимос қилганда ва унинг илтимослари кўпинча асоссиз сабабларга кўра эътиборсиз қолдирилганда. Аёл маҳбусларнинг тиббий кўрик борасида, шу жумладан гинекологик текширув вақтида, ҳатто кўриқлаш ходимлари (баъзан эркаклар) ҳозир бўлса ҳам, ёлғиз қолиш ва қадр-қимматга доир ҳуқуқи рад қилиниши мумкин. Жинс белгиси бўйича зўравонлик жабрдийдалари бўлган аёллар учун бундай вазият жиддий азобларга олиб келиши ва таъқирлаш ҳиссиётларига сабаб бўлиши мумкин.

Мониторинг ташкилотлари Бангкок қоидалари талабларига мувофиқ гендер омилларни инобатга олган ҳолда аёл маҳбусларга камида яшаш жойидагига тенг бўлган тиббий хизматлар тақдим қилинишини баҳолаши зарур<sup>83</sup>. Улар аёл маҳбусларга тегишли илтимос бўлганда ва мумкин қадар аёл шифокор ёки ҳамшира кўрик ўтказиш ёки даволаш учун тақдим қилинишини текшириши лозим, тез тиббий аралашувни талаб этувчи вазиятлар бундан мустасно. Шунингдек, агар аёл маҳбуснинг истакларига зид равишда тиббий кўрик эркак шифокор томонидан ўтказилганда аёл ходим кўрик ўтказиш вақтида ҳозир бўлганми<sup>84</sup>. Мониторинг гуруҳлари Бангкок қоидаларининг 11-қоидаси қўланилганини ҳам текшириши лозим. Ушбу қоида кўрик ўтказиш вақтида тиббий ходимлардан ташқари ҳар қандай ходимнинг ҳозир бўлишини тақиқлайди, шифокор алоҳида ҳолатлар мавжуд деб ҳисоблаган ёки шифокор қамоқхона ходимини хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳозир бўлишини илтимос қилган ёки аёл маҳбус аёл ходим

ҳозир бўлишини илтимос қилган ҳолатлар бундан мустасно: «...бундай ходимлар аёллар бўлиши керак, ва бундай кўрик ёлғизлик, қадр-қиммат ҳурмат қилиниши ва махфийликни кафолатлаган тарзда ўтказилиши керак»<sup>85</sup>.

### **і. Оилалар билан алоқа боғлаш учун бир хил бўлмаган имкониятлар берилиши**

Аёл маҳбуслар дуч келадиган асосий таҳдид шундан иборатки, аёл маҳбуслар сони ва тегишинча аёллар колониялари унча кўп бўлмаганлиги сабабли улар сақланадиган жой кўпинча уйларида узоқда жойлашган. Бу уларнинг оилалари билан алоқа боғлашларида муаммоларга сабаб бўлади. Уларнинг жамоалари, оилалари ва айниқса, болалари билан алоқалар бузилиши кўпчилиги ўз болалари учун асосий васий ҳисобланган аёлларда жуда катта ташвиш ва азобларга сабаб бўлиши мумкин. Маҳбусларнинг озиқ-овқатдан фойдалана олиш бир хил даражада бўлмаган ва маҳбуслар озиқ-овқат масаласида ўз оилаларига таянган айрим мамлакатларда аёл маҳбуслар бунда жуда ноқулай ҳолатга тушиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, эр-хотин учрашувларига рухсат этилганда аёл маҳбуслар одатда эркаклар сингари бундай ҳуқуқларга эга эмас. Бу аёл маҳбуслар аксарият пенитенциар тизимларда камситишга дучор бўладиган соҳалардан бири. Бу маҳбусларнинг руҳий соғлиғига анча салбий оқибатлар олиб келади. Ушбу камчилик интизомий жазолар учрашувлар сонини қисқартириш ва оилавий алоқаларни тўла тақиқлашдан иборат тизимларда янада авж олади.

Бангкок қоидалари ҳокимият идораларига аёлларни мумкин қадар уларнинг уйларида ёки ижтимоий мослашув жойидан унча узоқда бўлмаган қамоқхоналарга жойлаштириш борасида алоҳида ҳаракатларни амалга ошириш масъулиятини юклайди<sup>86</sup>. Бангкок қоидаларида белгиланганидек, аёл маҳбусларнинг оилалари билан алоқалари барча оқилона усуллар ёрдамида рағбатлантирилиши лозим. Эр-хотин учрашувлари рухсат этилган ҳолларда эса аёл маҳбуслар ушбу ҳуқуқдан эркаклар билан тенг равишда амалга ошириш имконига эга бўлади<sup>87</sup>.

<sup>82</sup>Аёлларда ОИСга нисбатан ўзига хос физиологик ожизлик мавжуд. Тадқиқотлар кўрсатганидек, аёллар ОИСни жинсий йўл билан эркакларга қараганда камида икки баробар тезроқ юқтириши мумкин. Жинсий йўл билан ўтадиган инфекцияларнинг мавжудлиги ОИСни юқтириш хатарини анча кўпайтириши мумкин (Women and HIV in Prison Settings, HIV/AIDS Unit, УНП ООН-С.3.)

<sup>83</sup>Бангкок қоидалари, 10 (1)-қоида.

<sup>84</sup>Бангкок қоидалари, 10 (2)-қоида.

<sup>85</sup>Бангкок қоидалари, 11-қоида.

<sup>86</sup>Бангкок қоидалари, 4-қоида.

<sup>87</sup>Бангкок қоидалари, 26-28-қоидалар. Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 58 (2)-қоида.

Мониторинг ташкилотлари ўз мамлакатларида қамоқхона маъмуриятлари томонидан тегишли чоралар ва ҳаракатлар қабул қилинаётганини баҳолашлари ва натижалар бўйича Бангкок қоидалари талабларига биноан аёлларнинг мумкин қадар уйларида узоқ бўлмаган ерда жойлаштирилишини таъминлаш учун талаб этиладиган тавсиялар киритишлари зарур. Буни амалга ошириш имкони бўлмаган ҳолларда мониторинг ташкилотлари қамоқхона маъмурияти томонидан аёллар учраган бундай ноқулайликларнинг ўрнини босадиган чоралар қабул қилганини текшириши ҳамда бундай чоралар ва ҳаракатлар бўлмаган тақдирда тегишли тавсиялар киритиши лозим. Масалан, ҳокимият идоралари транспортда ташиш билан боғлиқ ёрдам кўрсатиши, телефон алоқаси воситаларидан фойдаланишга доир ҳуқуқ бўлганда аёл маҳбустлар ўз оилалари билан алоқада бўлишлари учун қўшимча равишда рухсат берилган телефон орқали сўзлашувлар сонини кўпайтириши ёки бошқа чоралар қаторида учрашувлар давомийлигини узайтириши мумкин<sup>88</sup>.

Мониторинг гуруҳлари оилалар билан алоқаларни чеклаш учун интизомий жазолар қўллаш назарда тутилганини аниқлаши ва бундай ҳолат бўлган тақдирда Бангкок қоидаларига асосан ушбу чораларни тақиқлаш бўйича қонунчилик ва амалиётни ўзгартириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиши зарур<sup>89</sup>.

#### **j. Қамоқдаги оналардан қарамоғидаги болаларни ажратиш бўйича асосиз қарорлар**

Оналар билан қарамоғидаги болаларига муайян ёшга тўлгунга қадар қолишга дунёнинг аксарият мамлакатларининг қонунчилигида белгиланган тартибда рухсат этилади, аммо болалар олиб қўйилиши лозим бўлган ва рухсат этилган ёш мамлакатдан мамлакат сари ўзгаради. Онанинг қарамоғидаги болаларини уларнинг манфаатлари энг яхши таъминланишини ҳамда қамоқхона ташқарисида уларга қараш муқобил чораларни лозим даражадаги баҳолаш ўтказмасдан қамоқхонадан олиб қўйилиши онага жуда катта азобларга ва ташвишга ҳамда болага узоқ муддатли эмоционал-психологик, кучайиб борадиган ва эҳтимол, жисмоний зарарга сабаб бўлиб ҳам она, ҳам бола учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бангкок қоидаларида биринчи маротаба қамоқхонадан болаларни олиб қўйиш

тўғрисида қарорлар қабул қилиш жараёнига оид халқаро стандартлар қамоқхонада бундай болалар билан муомала қилишга оид қоидаларга қўшимча қилиб жорий қилingan. Улар қамоқхонадан болаларни олиб қўйиш тўғрисида қарорлар якка тартибда ва индивидуал баҳолаш асосида ҳамда болалар манфаатлари энг яхши тарзда таъминланишини ҳисобга олган ҳолда ва ёпиқ муассасадан ташқарида бола парвариши муқобил шакллари белгиланганидан кейин қабул қилинишини талаб қилади<sup>90</sup>. Масалан, Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитаси Бразилия бўйича мамлакат маърузасида ушбу қоидага риоя қилинмаётганлиги юзасидан ташвиш билдирди:

**«Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитаси болалар билан аёл маҳбустлар ўз болаларига васийлик ҳуқуқини болалар икки ёшга тўлганидан кейин йўқотгани ва болаларнинг айримлари болаликка олингани ҳақидаги маълумотлардан хавотирда эканини билдирди».**

**«Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитаси тузатиш муассасасида болаларга ўз оналари билан қолишга рухсат бериш тўғрисидаги қарорлар болаларнинг манфаатлари энг яхши тарзда таъминланишидан келиб чиққан ҳолда ва болалар эҳтиёжини индивидуал баҳолаш асосида қабул қилиниши зарурлигини тавсия қилади\*. Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитаси давлатлардан болаларни болаликка олишга топшириш амалиётига аниқлик киритишни ҳамда бундай ҳолатларда болаликка олиш масалаларини тартибга соладиган қонунчиликни қўллашни талаб қилади»<sup>91</sup>.**

\* Бангкок қоидалари, 49 ва 52-қоидалар.

Мониторинг гуруҳлари Бангкок қоидаларига, 49 ва 52-қоидаларига биноан ўз мамлакатларида қамоқхоналарда болаларга ўз оналари билан қолишга рухсат бериш бўйича қонунчиликни ва амалиётларни ҳамда бундай болаларни тузатиш муассасаларидан олиб қўйиш тартибини таҳлил қилишни ўз фаолиятига киритиши лозим. Натижалар бўйича зарурат бўлганда Бангкок қоидалари талабларига мувофиқ қонунчилик таҳлили ва амалиётларни ўзгартириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш керак.

<sup>88</sup>Қаранг МТП (PRI), Руководящий документ о Правилах ООН, касающиеся обращения с женщинами заключенными и мер наказания для женщин-правонарушителей, не связанных с лишением свободы (Бангкокские правила), 2013. –С.71.

<sup>89</sup>Бангкок қоидалари, 23-қоида. Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 43 (3)-қоида.

<sup>90</sup>Бангкок қоидалари, 52-қоида, Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 29-қоида.

<sup>91</sup>БМТ Қийноқларнинг олдини олиш кичик қўмитасининг Бразилияга ташири тўғрисидаги маъруза, CAT/OP/BRA/1, 2012 йил 5 июль, 120, 121-б.



## к. Ҳимоя учун қамаб қўйиш

Айрим мамлакатларда аёллар қамоқхонада ўзининг гендер зўравонликдан ҳимояланиш учун сақланади. Бу номусга тегишга дучор бўлган аёллар ва уларга, эҳтимол, жиноятчи ёки унинг қариндошлари томонидан хавф бор, яъни улар жабрланганни кўрсатувлар беришдан воз кечишга мажбурлаши мумкин. Баъзан бу урф-одатлар, анъаналар ёки дин риоя этишни талаб этадиган жамият қатъий асосларини бузган аёллардир. Бу улар «Шаънини ҳимоя қилиш» ғояси асосида ўлдирилиши хатарига дучор бўлишини англатади. Айрим мамлакатларда қамоқхоналардан одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Аёллар ҳимоясини таъминлаш учун улар ёпиқ муассасаларда узоқ вақт мобайнида сақланиши мумкин, бунга, ўз навбатида, шафқатсиз муомалада бўлиш сифатида қаралиши мумкин. БМТ Қийноқларга қарши Иордания билан боғлиқ масаласи бўйича Махсус маърузачининг маърузаси мисол бўлиши мумкин. Бу ерда аёлларни қамоқда 14 йил ушлаган, чунки улар шаънини ҳимоя қилиш жиноятларнинг жабрдийдаси бўлиш хатарига дучор бўлган<sup>92</sup>. Қамоқда сақлаш (назарда тутилган) «ҳимоя» воситаси сифатида камситишнинг айниқса жиддий шакли ҳисобланади. Бундай усул жиноятчини эмас, балки жабрланганни ёки потенциал жабрланган шахсни жазолайди, аёлларни янада виктимлаштиришга (жабрдийдага айлантиришга) олиб келади, у томонидан номусга тегиш ва бошқа жинсий зўравонлик хатти-ҳаракатлари тўғрисида ариза беришга халақит беради.

Бундай аёлларни ҳимоя қилишнинг энг яхши варианты уларни фақат аёллар шуни хоҳлаган ҳолларда мустақил ташкилотлар ёки ижтимоий хизматлар томонидан бошқариладиган етимхона (шелтерлар)га ёки хавфсиз уйларда вақтинча жойлаштиришдир<sup>93</sup>. Афсуски, бундай етимхоналарга талаб таклифлардан кўпроқ. Яъни бу аёлларни ҳимоясини таъминлаш мақсадида ёпиқ муассасаларнинг алоҳида хоналарига вақтинча жойлаштиришга тўғри келади<sup>94</sup>.

Айрим мамлакатларда бундай ҳимоя чораларини қўллаш ҳақиқий заруратини, шу жумладан бундай аёлларга нисбатан қўшимча хатарлар вужудга келишини тан олиб, Бангкок қоидаларида қуйидагилар таъкидланади: «... аёлларни ҳимоя қилиш мақсадида қамоққа олиш тарзидаги вақтинча чоралар фақат зарурат бўлганда ва аёлнинг талаби билан қўлланилади ҳамда барча ҳолларда суд ёки бошқа ваколатли органлар назоратида амалга оширилади». «Бундай ҳимоя чоралари аёлларнинг ўз иродасига қарши қабул қилинмайли»<sup>95</sup>. Узоқ муддатли истиқболда давлатлар қамоқда сақлаш сифатида экстремал ҳимоя чораларини қўллаш зарурати қолмаслиги учун аёлларни зўравонликдан ҳимоя қилиш ва уларни такроран жабрдийда деб топишнинг олдини олишни таъминлаш учун ҳуқуқий, сиёсий ва маъмурий чоралар мажмуасини ишлаб чиқиш учун жавобгар бўлади<sup>96</sup>.

Бундай амалиёт мавжуд бўлган мамлакатларда мониторинг ташкилотлари ушбу тоифдаги аёлларни, айниқса, қамоқда узоқ муддат давомида сақланаётган аёлларни аниқлашда, уларнинг ҳолатларини кўриб чиқиш ва уларнинг ҳимоясини таъминлаш учун бошқа чоралар ишлаб чиқишга қўмаклашишда асосий ўрин тутиши мумкин. Бу ерга нодавлат ноҳукумат ташкилотлари ва аёллар етимхоналарини бошқарадиган аёллар гуруҳлари билан алоқаларни йўлга қўйиш, жиноят содир қилишда айбдорларга жавобгарликдан қутилиш имконини берадиган ва натижада жиноят жабрдийдалари ҳимоя қидиришга мажбур этадиган муайян қонунларни ўзгартириш учун тавсиялар ишлаб чиқиш тааллуқлидир.

## 4. Юқори даражали хатарга мойил аёлларнинг муайян тоифалари

### а. Қизлар

Қизлар ёши, гендер мансублиги ва кам сонлилиги сабабли қамоқда энг заиф гуруҳлардан бири ҳисобланади. Тадқиқотлар кўрсатганидек, қамоқдаги қизларнинг асосий қисми жиноий одил судлов тизими билан низолашганидан олдин зўравонликка дучор бўлган<sup>97</sup>.

<sup>92</sup>A/HRC/7/3, п. 43, со ссылкой на доклад Специального докладчика по Иордании в июне 2006 года, A/HRC/4/33/Add.3, пп. 39 и 72.

<sup>93</sup>Бангкок қоидалари, 59-қоида.

<sup>94</sup>Мисол учун, Афғонистонда Қамоқхоналар ва қамоқда сақлаш марказлари тўғрисидаги қонуннинг моддасига асосан қамоқда сақлаш марказлари раҳбарларига Адлия вазирлиги рухсати ва айрим шахсларнинг ёзма мурожаати билан қамоқда сақлаш марказларида ва қамоқхоналарда таҳдид солинган ҳамда хавфсизлигига жиддий хатар туғилган шахсларга вақтинча бошпана ва ҳимоя беришга ижозат берилган (53-модда).

<sup>95</sup>Бангкок қоидалари, 59-қоида.

<sup>96</sup>Декларация об искоренении насилия в отношении женщин. 4 (f)-модда.

<sup>97</sup>PRI/IPJJ, Neglected Needs: Girls in the criminal justice system, стр.10.

Қамоқда қизлар сони кам бўлгани сабабли «қўп мамлкатларда махсус чоралар кўрилмайди ва улар учун алоҳида хоналар ажратилмайди»<sup>98</sup>. Кўпинча қизларнинг ўғил болалар ёнида ва /ёки аралаш ходимлар муассасаларида сақлайди, бу эса зўравонлик, шу жумладан жинсий зўравонлик қўллаш хатарига олиб келади<sup>99</sup>. Қоида тариқасида, бундай хатар полиция участкаларида айниқса юқори, ва алоҳида сақлаш амалдаги қоидалари фақат қамоқхоналарга нисбатан татбиқ этилади ҳамда вақтинча сақлаш ҳибсхоналарини қамраб олмайди. Қизлар катта ёшдаги аёл маҳбуслар ва аёл ходимлар томонидан зўравонликка дучор бўлиши мумкин.

Муқобиллик тарзида «эркак ва ўғил болалардан алоҳида сақлашга уринишлар қизларнинг ажратиб қўйиш хатарига олиб келади ёки улар ўз уйларида узокда бўлиб қолади»<sup>100</sup>. Оила ва жамоалардан ажратиб қўйишнинг таъсири қизнинг руҳий соғлиғига, эмоционал хотиржамлигига, ўз-ўзини баҳолашга, ижтимоий ва ҳаётий кўникмаларига ва бошқа қобилиятларига турли даражада, камдан-кам ҳолларда аралашган тақдирда руҳий соғлиғи муаммолари ечимига жиддий зарар етказиши мумкин.

Мавжуд тадқиқотлар тасдиқлаганидек, қизлар ўғил болаларга қараганда депрессия каби руҳий бузилишларга ва ташвишли невроз касаллигига кўпроқ учрайди<sup>101</sup>. Натижада, ўғил болалар ёки катта ёшдагиларга қараганда қизлар ўзини майиб қилиб қўйиши ёки суиқасд қилиши хатари юқорироқдир<sup>102</sup>.

Жазони ижро этиш тизими асосан эркакларга мўлжалланганини инобатга олсак, қамоқхона қоидалари ва тартиб-таомиллар доирасида қизларнинг тиббий эҳтиёжлари кўпинча эътиборга олинмайди. Масалан, бу тиббий хизматлар мунтазам равишда кўрсатилмаслиги ёки йўқлигида, шу жумладан дучор бўлиш мумкин ижтимоий қораланиши

ва ҳомиладорлик тажрибаси йўқлиги сабабли озодликдан маҳрум этиш жойларида энг заиф гуруҳларидан бири ҳисобланган ҳомиладор қизларнинг гинекологик текшируви ва парвариш қилинишида намоён бўлиши мумкин<sup>103</sup>.

Қизлар «ўз ҳуқуқларидан камроқ хабардор, ва жуда кам сонли қизлар болалар манфаатларини ва гендер омилларни ҳисобга оладиган маслаҳатлар олишнинг хавфсиз ва самарали механизмларидан ҳамда зўравонликни қўллаш ҳолатларини кўриб чиқиш учун шикоят ва аризалар бериш механизмларидан фойдалана олади»<sup>104</sup>.

Бангкок қоидаларининг қизлар-маҳбусларнинг алоҳида ҳимоясини таъминлаш зарурати, таълим ва касбий-техник ўқитишдан тенг фойдалана олишни таъминлаш мажбурияти, уларнинг ёши ва жинсини ҳисобга оладиган дастур ва хизматлардан ва соғлиқни сақлаш, шу жумладан гинекологлардан мунтазам равишда фойдаланиш масалалари бўйича ўқитишдан фойдалана олиш лозимлиги ҳамда вояга етмаган ҳомиладор аёл маҳбусларнинг алоҳида эҳтиёжлари эътироф этилган 36–39-қоидалари аёл жинсидаги вояга етмаган маҳбусларга тааллуқлидир.

Мониторинг гуруҳлари қизларни шафқатсиз муомалада бўлиш ва қийноқлардан ҳимоя қилиш бўйича махсус чоралар кўрилатганини баҳолаш лозим. Бу ерга қуйидагилар киради: қизлар ўғил болалар, вояга етмаган эркак ва аёл маҳбуслар учун хоналардан ажратилган хоналарда алоҳида сақланиши қатъий таъминлангани; назорат пухта танланган ва махсус касбий тайёргарликдан ўтган аёл ходимлар томонидан амалга оширилиши; бошқа маҳбуслар томонидан зўравонликнинг ёки ходимлар томонидан суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида етарли даражада назорат таъминланиши; шикоятлар беришнинг махфий ва мустақил механизмидан фойдалана олиш<sup>105</sup>.

<sup>98</sup>БМТ Бош котибининг болаларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги масала бўйича Махсус вакили, *Safeguarding the rights of girls in the criminal justice system*, 2015. -Б.5.

<sup>99</sup>Қаранг, масалан 'Custody and Control, Conditions of Confinement in New York's Juvenile Prisons for Girls', Human Rights Watch, American Civil Liberties Union, сентябрь 2006.

<sup>100</sup>БМТ Бош котибининг болаларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги масала бўйича Махсус вакили, *Safeguarding the rights of girls in the criminal justice system*, 2015. -Б.6, quoting A/HRC/21/25, БМТ ИҲОКБ, ГЖБ ва БМТ Бош котибининг болаларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги масала бўйича Махсус вакилининг доирасида вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тизими доирасида болаларга нисбатан зўравонлик ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга таъсир чоралари кўриш тўғрисидаги Қўшма маърузаси, 2012 йил 27 июнь, 45-б.

<sup>101</sup>Teplin L A et al., 'Psychiatric Disorders in Youth in Juvenile Detention', *Archives of General Psychiatry*, Vol 59, No 12, Cited in F T Sherman, *Making Detention Reform Work for Girls, A Guide to Juvenile Detention Reform, Juvenile Detention Alternatives Initiative Practice Guides* 5, Annie E. Casey Foundation, 2013.

<sup>102</sup>Қаранг HM Chief Inspector of Prisons for England and Wales, *Annual Report 2006-7*.

<sup>103</sup>PRI/ IPJJ, *Neglected Needs: Girls in the criminal justice system*, p13.

<sup>104</sup>БМТ Бош котибининг болаларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги масала бўйича Махсус вакили, *Safeguarding the rights of girls in the criminal justice system*, 2015. -Б.4.

<sup>105</sup>Қаранг МТР, Руководство по содействию применению Правил ООН, касающихся обращения с женщинами-заключенными и мер наказания для женщин-правонарушителей, не связанных с лишением свободы (Бангкокские правила), 2013. -Б.96.



## б. Одам савдоси жабрдийдалари ва секс индустрияси ходимлари

Кўп мамлакатларда одам савдоси жабрдийдалари давлатлардан одам савдоси жабрдийдаларини такроран жабрдийдалар деб топиш ўрнига уларнинг ҳимоясини таъминлашни талаб этадиган халқаро конвенциялар қабул қилинганига қарамасдан қамоқхонага фоҳишабозлик билан шуғулланиш, мамлакат ҳудудига ноқонуний кириш, у ерда ноқонуний яшашда ёки ноқонуний ишлашда айблов бўйича тушиб қолади<sup>106</sup>. Бундай аёллар секс индустриясига жалб қилишнинг ўз салбий таърибаси ва уларга нисбатан назарда тутилган ахлоқсизлик учун янглиш фикр сабабли озодликдан маҳрум этиш жойларида айниқса ожиз ҳисобланади. Секс ходимларга нисбатан ўхшаш ташвишлар ўша асосларда қўлланилади. Одам савдоси жабрдийдалари ожизлиги уларнинг бошқа давлат фуқароси бўлгани ва кўп ҳолларда у қамоққа олинган мамлакат тилини лозим даражада билмаслиги учун янада мураккаблашади. Ижтимоий тармоқларнинг йўқлиги ва уларнинг мулоқот қила олмаслиги уларнинг тобора ажралиб қолишига олиб келади, улар томонидан ушбу ёпиқ муассасада қабул қилинган расмий ва норасмий қоида ва низомларни тушунишни қийинлаштиради ҳамда уларнинг мажбурловга ва таҳқирлашга, шу жумладан жинсий зўравонликка нисбатан ожизлигини оширади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси масаласи бўйича тамойиллари ва раҳбарлик қоидалари одам савдоси жабрдийдаларини жиноий тартибда таъқиб қилишни тавсия қилади<sup>107</sup>. БМТ Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармаси таъкидлаганидек, «одам савдосининг ёки такрорий одам савдосининг олдини олиш ушлаб туриш учун сўзсиз асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ва ҳар бир аниқ ҳолатда оқланган бўлиши керак .... Ушлаб туриш ва қамоққа олиш муқобиллари, шу жумладан хавфсиз уйлар (етимхоналар) бериш ва бошқа чоралар кўриш жабрдийдалар ёки потенциал жабрдийдалар, шу жумладан, айниқса, болалар учун зарур бўлади»<sup>108</sup>.

Одам савдоси жабрдийдалари ёки тижорат секс ходимлари қайсидир асосларга кўра ушлаб турилган тақдирда бундай ушлаб туришни амалга оширадиган ҳокимият идоралари ушбу шахсларнинг шафқатсиз муомалада бўлиш ва қийноқлардан ҳамда гендер белгиси бўйича зўравонликдан ҳимоясини таъминлаш чоралари кўриши шарт. Озодликдан маҳрум этиш жойида энг тарқалаган тилни билмаган ушлаб турилган шахсларга улар келиши билан таржимон тақдим қилиниши керак. Қамоқда сақлаш жойи, сақланиш қоидалари, шахсларнинг бу ердаги ҳуқуқлари ва вазифалари, шунингдек шикоятлар бериш ва кўриб чиқиш мустақил механизмларидан фойдалана олиш тўғрисидаги ахборот улар билган тилда тақдим қилиниши керак.

Мониторинг ташкилотлари бундай алоҳида заиф тоифадаги аёлларни аниқлашда асосий ўрин эгаллаши ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур ҳаракатларни амалга ошириши, айтиш вақтда ўз ҳукуматларига «БМТ Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам, айниқса хотин-қизлар ва болалар савдосининг олдини олиш ва унга чек қўйиш ҳамда уни жазолаш тўғрисидаги баён»ни ратификация қилишни тавсия қилиши ҳамда Бангкок қоидалари талабларига биноан амалиётда унинг қоидаларини қўллаши мумкин<sup>109</sup>.

## с. Руҳий соғлиғини даволаш эҳтиёжлари бўлган аёллар

Ёпиқ муассасага келиб тушган аёллар эркакларга қараганда кўпинча уйдаги, жисмоний ва жинсий зўравонлик оқибатида руҳий бузилишлардан кўпроқ азоб чекади<sup>110</sup>. Озодликдан маҳрум этиш, айниқса, агар аёл маҳбусларнинг алоҳида гендер эҳтиёжлари қондирилмаса ва оилалари билан алоқалари бузилса, руҳий соғлиқнинг янги муаммоларини келтириб чиқаради ва мавжудларнинг аҳволини мураккаблаштиради. Бундан ташқари, руҳий бузилишлари бўлган аёлларни махсус тартибли колонияларда сақлаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки алоҳида эҳтиёжларга хатарлар сифатида қараш мумкин ва бу уларнинг руҳий хотиржамлиги учун анча катта зарар кўрсатиши ва соғлиғи

<sup>106</sup>ГА ООН, Протокол о предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за нее, дополняющего Конвенцию ООН против транснациональной организованной преступности, 15 ноября 2000г. <http://www.unhcr.org/refworld/docid/4720706c.html> <accessed 20 October 2012> Articles 6-8 and 9 (b).

<sup>107</sup>Верховный комиссар ООН по правам человека, Рекомендующие принципы и руководящие принципы по вопросу о правах человека и торговле людьми, E/2002/68/Add.1 (2002), Принцип 7.

<sup>108</sup>«Руководство УВКБ ООН по применяемым критериям и стандартам в отношении задержания и содержания под стражей беженцев и лиц, ищущих убежище». Руководство 9.4, 2012г., стр.38. <http://www.unhcr.org/505b10ee9.html> <accessed 24 November 2015>.

<sup>109</sup>Бангкок қоидалари, 66-қоида.

<sup>110</sup>УНП ООН, Руководство для администрации учреждений исполнения наказаний и других должностных лиц. Женщины в местах заключения, стр.10.

ҳолатини янада ёмонлаштириши мумкин. Рухий бузилишлари бўлган аёллар зўравонлик олдида жуда ожиз, чунки ўзини ҳимоя қилиш ёки асраш психологик тузилмаларига эга бўлмаслиги мумкин. Улар рухсат берилганнинг муайян чегаралари қачон бузилаётганини англамаслиги мумкин, уларнинг шикоятларига эса, эҳтимол, ҳеч ким ишонмайди ва уларни жиддий тарзда қабул қилмайди. Психиатрик муассасаларда аёллар шунга ўхшаш хатарларга дуч келади.

Мониторинг гуруҳлари Бангкок қоидаларининг аёл маҳбустларнинг руҳий соғлиғига доир талабларига риоя этилишини аниқлаши ва аёллар руҳий соғлиғини даволашда ва руҳий хотиржамлигини ҳимоя қилишда учрайдиган эҳтиёжлар хатарларини камайтирилишини таъминлаши лозим. Ушбу чоралар келиб тушганда руҳий соғлиқни даволашда эҳтиёжларни индивидуал баҳолаш ўтказилишини<sup>111</sup>, ва гендер омилларни ҳисобга оладиган муҳтож бўлганларни психиатрик даволаш ва реабилитация қилиш дастурларини ташкил этишни ўз ичига олади<sup>112</sup>. Рухий соғлиғи муаммолари бўлган аёл маҳбустлар унча қаттиқ тартибли бўлмаган шароитларда сақланиши

керак ва уларга нисбатан ёлғиз қамаб қўйиш қўлланилмаслиги лозим<sup>113</sup>. Ушбу амалиётни қўллашдаги турли хилдаги чекловдан ташқари, қайта кўриб чиқилган Минимал стандартларда таъкидланганидек, «ёлғиз ўзини қамаб қўйиш шаклидаги жазо руҳий ҳолати бузилган ёки жисмоний нуқсонларга эга маҳбустларга нисбатан, агар бундай чораларнинг қўлланилиши улар ҳолатининг ёмонлашишига олиб келса, тақиқланиши керак<sup>114</sup>».

Ҳукм чиқарганда руҳий соғлиғини даволаш эҳтиёжлари бўлган аёлларга мумкин қадар муқобил жазо турларини тайинлаш зарур, бунда уларга руҳий соғлиғига қамоқда сақлашнинг салбий таъсирига дучор қилмасдан ўз жамоасида даволашни ўташга рухсат бериш керак<sup>115</sup>.

#### **d. Аёлларнинг бошқа алоҳида заиф гуруҳлари**

Аёлларнинг шафқатсиз муомалада бўлиш ва қийноқларга нисбатан алоҳида заиф бўлган яна бир гуруҳи – бу ногирон аёллар, хорижий давлатларнинг аёл фуқаролари, этник ва ирқий озчиликнинг, туб аҳолининг вакиллари, аёл трансексуаллар ва лесбиянлардир<sup>116</sup>.

<sup>111</sup>Бангкок қоидалари, 6-қоида.

<sup>112</sup>Бангкок қоидалари, 12-қоида.

<sup>113</sup>Истанбул баёни, ор. cit.-Б.4.

<sup>114</sup>Қайта кўриб чиқилган Минимал стандарт қоидалари, 45 (2)-қоида; қаранг 3 f-боб.

<sup>115</sup>Рухий касаллиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари ва психиатрик ёрдам яхшиланиши аниқ кўрсатганидек, руҳий бузилишлари бўлган шахслар мумкин қадар улар яшайдиган жамоада даволаш ва парвариш ҳуқуқига эга бўлиши керак. (Принципы защиты лиц с психическими заболеваниями и улучшения психиатрической помощи, Принцип 7.1)

<sup>116</sup>Қамоқхонадаги маҳбустларнинг ушбу гуруҳлари билан муомала қилиш бўйича батафсил қўлланма ва ушлалаш муқобиллари учун қаранг Справочник УНП ООН по обращению с заключенными с особыми потребностями и Руководство УНП ООН для администрации учреждений исполнения наказаний и других должностных лиц. Женщины в местах заключения.

# Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун мониторинг ташкилотлари қандай малакага эга бўлиши керак?

Гендер омилларни ҳисобга олган ҳолда аёллар учрайдиган хатарларни самарали аниқлаш ва қарорларнинг ҳар томонлама таҳлилини ўтказиш/бундай хатарларни пасайтиришга ва бартараф этишга қаратилган ахборот берувчини амалга ошириш учун зарур экспертиза ва мониторинг гуруҳлари аъзоларининг тажрибаси бўлган яхши команда мавжудлиги муҳимдир.

Биринчи муҳим қоида шундан иборатки, мониторинг гуруҳларининг таркиби гендер омилларни ҳисобга олган ҳолда шаклланиши керак, яъни уларнинг таркибига аёллар киритилади<sup>117</sup>. Бундан ташқари, мониторинг гуруҳларига аёл шифокорлар ва психологларни киритиш лозим. Гуруҳга, ҳеч бўлмаганда, аёллар зўравонлик, хусусан, айниқса, жинсий зўравонлик натижасида учраган ҳасталиқдан кейин стресс ҳолати ва бошқа ҳасталиги мавжуд кишилар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган бир неча мутахассисларни киритиш зарур. Гуруҳ барча иштирокчилари жинсий зўравонлик муаммолари ва бошқа оғриқли гендер масалалар бўйича тайёргарлик ўтиши мақбулдир. Улар гендер жиҳатларни ҳисобга олган тилдан фойдаланиб тўғри саволлар бериши керак.

Гуруҳнинг барча аъзолари аёлларни зўравонлик ва камситишдан ҳимоя қилишга ҳамда озодликдан маҳрум этиш жойларида аёлларнинг алоҳида эҳтиёжларини қондирилишини таъминлашга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларнинг қоидаларини етарли даражада билиши керак.

Мониторинг гуруҳларига этник ва ирқий озчилик, туб халқларнинг ёки хорижий давлатлар фуқароларининг аёл-вакиллари, айниқса, мамлакатларида қамоқхона аёллар аҳлининг салмоқли қисми тўғри келган вакилларни киритиш лозим. Аёлларнинг ушбу гуруҳлари ожизликнинг алоҳида таҳдидлари ва кўп сонли омилларига дуч келади ва уларни ўз гуруҳ вакиллари яхшироқ тушуниши ва муаммоларни самарали ҳал қилиши мумкин. Қизлар билан суҳбатлар бола манфаатларини ва гендер омилларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши, жавоблар ва тавсиялар эса сифатли шаклланиши учун гуруҳга ҳеч бўлмаганда болалар психологияси соҳасида билимларга эга бўлган бир неча кишини киритиш керак.

<sup>117</sup>Бангкок қоидалари, 25 (3)-қоида.

# Тавсия этиладиган адабиётлар:

Рўйхат фақат мазкур қўлланмада тилга олинган айрим асосий ҳужжатларни ўз ичига олган ва тўла-тўқис ҳисобланмайди.

*Руководящий документ и Индекс МТР по осуществлению Правил ООН по обращению с женщинами-заключенными и мерам, не связанным с тюремным заключением, для женщин-правонарушителей (Бангкокские правила), 2013г.*

<http://www.penalreform.org/resource/bangkok-rules-guidance-document-index-implementation/>

УНП ООН, *Руководство для администрации учреждений исполнения наказаний и других должностных лиц. Женщины в местах заключения, Томрис Атабай, Тью-Йорк, Второе издание, 2014г.*

[https://www.unodc.org/documents/justice-and-prison-reform/women\\_and\\_imprisonment\\_-\\_2nd\\_edition.pdf](https://www.unodc.org/documents/justice-and-prison-reform/women_and_imprisonment_-_2nd_edition.pdf)

Доклад Специального докладчика по вопросу о пытках и других жестоких, бесчеловечных и унижающих достоинство видах обращения, Манфред Новак, 15 января 2008 года, А/ HRC/73.

Международный центр изучения тюрем, «Тюремная реформа и гендерные вопросы»

Методическое пособие по проведению реформ в гендерной сфере и секторе безопасности, обновленная информация о Бангкокских правилах, Megan Bastick and Kristin Valasek, Geneva: DCAF, OSCE/ ODIHR, UN-INSTRAW, 2008, обновлено в 2012г.

*AdvocAid, Правила ООН, касающиеся обращения с женщинами-заключенными, 2011г.*

<http://www.advocaidsl.com/wp-content/uploads/2011/03/AdvocAid-Bangkok-Rules-training-booklet-Nov-11.pdf>

Международная тюремная реформа, доклад Рабочей группы ООН по вопросу о дискриминации в отношении женщин в законодательстве и на практике, январь 2012 г.

УНП ООН и ВОЗ, *Women's Health in Prison: Action Guidance and Checklists to Review Current Policies and Practices, 2011, Brenda van den Bergh and Alex Gatherer, Европейской региональное бюро ВОЗ; Tomris Atabay and Fabienne Hariga, United Nations Office on Drugs and Crime* [http://www.euro.who.int/data/assets/pdf\\_file/0015/151053/e95760.pdf](http://www.euro.who.int/data/assets/pdf_file/0015/151053/e95760.pdf)

Несколько изданий Офиса Квакеров в ООН, Женева (QUNO), которые можно найти на веб-сайте: <http://www.quno.org/areas-of-work/women-prison>

# Ҳужжат тўғрисида

Ушбу ҳужжат озодликдан маҳрум этиш жойларида мониторингни амалга ошириш учун PRI/APT усулининг бир қисми бўлиб, мониторинг ташкилотлари, шу жумладан Миллий превентив механизмлар томонидан полиция участкалари ва қамоқхоналарга ташриф буюрганда ўз превентив мандатини самарали бажариш мақсадида таҳлилий материал сифатида фойдаланиш ҳамда амалда қўллашга мўлжалланган.

Усул бундай органларга қийноқлар ва шафқатсиз муомалада бўлишнинг бошқа турлари қўлланиладиган муҳит яратилишига олиб келадиган таваккалчиликнинг тизимли омиллари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун қўмаклашишга даъват этилган. Усул қуйидагиларни ўз ичига олади:

**Мавзуга доир ҳужжатлар:** уларда кенгроқ доирадаги мавзулар таҳлили берилган бўлиб, улар мониторингга нисбатан комплекс ёндашувни яхшилашга қаратилган. Уларда жиноий одил судлов бутун тизими норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва амалиёти гендер муаммолари, жинсий йўналиш ёки институционал маданият каби жиҳатларга урғу берган ҳолда кўриб чиқилади.

**Ахборот бюллетенлари:** мониторинг ташкилотлари томонидан шахсий кўздан кечириш ёки қамоқхона ходимлари меҳнати шароитлари каби қийноқлар ёки шафқатсиз муомалада бўлишни қўллаш хавфи юқори бўлган омиллар ҳисобланган тизимли муаммоларга қандай алоҳида эътибор қаратиш мумкинлиги ҳақида амалий раҳбарлик кўрсатмаларидан иборат.

Шунингдек, барча ресурслар Интернет тармоғида қуйидаги манзил бўйича фойдаланиш учун очиқ: [www.penalreform.org](http://www.penalreform.org) и [www.apr.ch](http://www.apr.ch). Ушбу ҳавола орқали бошқа тилларда ҳам ҳужжатлар мавжудлигини текширса бўлади.

**Халқаро қамоқхона ислоҳоти  
(Penal Reform International)**  
60–62 Commercial Street  
E1 6LT Лондон, Буюк Британия

**[www.penalreform.org](http://www.penalreform.org)**  
**@PenalReformInt**

**Қийноқларнинг олдини олиш ассоциацияси  
(Association for the Prevention of Torture)**  
PO Box 137  
CH-1211 Женева 19, Швейцария

**[www.apr.ch](http://www.apr.ch)**  
**@apt\_geneva**